*Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!*

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№42-43
Махсус сон
2024-yil
16-oktabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

✓ Сайлов — 2024

## БИР МАЙДОНДА БИР МАҚСАД УЧУН




## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТГА САМАРАЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ОРҚАЛИ ЭРИШАМИЗ!



**Кучли ижтимоий сиёсат — Халқ демократик партиясининг бош ғояси саналади. Айни йўналишда кутилган натижага эришиш учун “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган тамойилда сиёсат олиб бориш талаб этилади.**

2 САҲИФАДА



## НОМЗОДЛАРИМИЗ САЙЛОВЧИЛАР НИГОҲИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВЛАР ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА. УЧРАШУВЛАРДА ПАРТИЯ НОМЗОДЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ПАРТИЯ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТУШУНТИРИБ БОРМОҚДА. БУ ТАДБИРЛАР ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎЗ ДАСТУР ВА НОМЗОДЛАРИНИ САЙЛОВЧИЛАРГА ТАНИШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН БЎЛСА, САЙЛОВЧИЛАРГА ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ, ҒОЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИНИ БЕРИБ, БЎЛАЖАК САЙЛОВДА ҚАЙСИ НОМЗОД ВА ҒОЯГА ОВОЗ БЕРИШ БОРАСИДА БИР ҚАРОРГА КЕЛИШИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ. ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТАЁТГАН БУНДАЙ УЧРАШУВЛАР ЙИҒИЛГАНЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА.**

10

## МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

**БУГУН ХАЛҚИМИЗНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ, ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ 15-20 ЙИЛЛАР ОЛДИНГИ ДАРАЖА БИЛАН ҚИЁСЛАБ БЎЛМАЙДИ. ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙ МАНЗИЛИДА БЎЛМАНГ, ҚАЙ СОҲА ВАКИЛИ БИЛАН СЎЗЛАШМАНГ, ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРГА СУСТ МУНОСАБАТНИ ЁКИ БЕПАРВОЛИК КАЙФИЯТИНИ СЕЗМАЙСИЗ. АКСИНЧА, ИСЛОҲОТЛАРГА ВА МАМЛАКАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁНЛАРГА ДАХЛДОРЛИК, ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ИМКОНИЯТИНИ АНГЛАШ ҲИССИ ҲАМДА ТОБЛАНИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР ФУҚАРОЛАРИМИЗНИ МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ФАОЛ ТАШАББУСКОРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА.**




13 САҲИФАДА

Бугунги сонда

## ЯНГИ ДАВР “ДРАЙВЕРИ”



**Бугун Янги Ўзбекистонда жамият ислоҳотлар ташаббускори экани реал воқеликка айланди. Мисол учун, фуқаролик жамияти институтлари одамларнинг оғирини енгил қилишда давлат органлари билан елкама-елка, ўрни келганда, тенгма-тенг хизмат қилаётгани айни ҳақиқат.**

## *Инсон қадри устувор*

**Ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ва жамият тараққиётнинг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунларидан биридир. Жамиятдаги турли қатлам ўртасида тенгликни таъминлаш, шу орқали ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни қарор топтириш пировардида одамларни рози қилиш, айни пайтда кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини оширади.**

## БОЛА ОИЛА БАҒРИГА ҚАЙТДИ



**Баъзида шундай бўлади, ота-она, қолаверса, яқин қариндошлар орзиқиб кутган фарзанд жисмоний ёки ақлий нуқсон билан туғилади. Шундай кезларда айримлар боласини ихтисослашган даволаш-таълим муассасасига топширади.**

**КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ — ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БОШ ҒОЯСИ САНАЛАДИ. АЙНИ ЙЎНАЛИШДА КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ УЧУН “ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН”, ДЕГАН ТАМОЙИЛДА СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

**ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТДИР. БУ, ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР, ОДАМЛАР МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШИГА ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ДЕМАКДИР. ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БОШ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ, ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЭНГ МУҲИМ ҒОЯЛАРИ АНА ШУ ТАЪРИФДА МУЖАССАМЛАШГАН, ДЕСАК ТЎҒРИ БЎЛАДИ.**



# ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТГА САМАРАЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ОРҚАЛИ ЭРИШАМИЗ!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ижтимоий сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайловолди дастуримизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат барпо этиш мақсад қилиниб, ушбу йўналишда бир қатор ташаббуслар ўрин олган. Партиямиз ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда.

## ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Партиямиз асосий ғоя ва мақсадларига мос тарзда барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсонда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Бу борада партия пенсия жамғармасининг фаолиятини замонга мослаштириш ва адолатли пенсия тизимини яратиш зарур, деган қатъий фикрда. Бу тизим шаффоф ишлаши долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда касбий пенсия режалари мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари учун бадал ставкаси пастлиги, фуқаролар ўз жамғармаларини ихтиёрий равишда бошқа молиявий инструментларга йўналтириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам эътибор қаратиш керак бўлган масалалардан саналади.

Бу борада Халқ демократик партияси фуқароларга шахсий жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн кузатиш имкониятини бериш таклифини илгари сурмоқда.

Меҳнат фаолияти маҳсулидан даромад ва ижтимоий солиқларни тўлаган пенсионерларнинг муқаддам тайинланган пенсиясини қайта ҳисоблаган ҳолда оширилган миқдорда тайинлаш мақбул ечимдир.

Энг муҳим жиҳатлардан бири — Халқ демократик партияси мамлакатимизда пенсия ёшини оширмаслик керак, деган позицияда қатъий туради.

## ЁШГА МОС ТАЪЛИМ

Партиямизнинг асосий ғоялари замирида таълим билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутади. Келажакни билимли, зукко ва ақлли мутахассислар, малакали кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабдан дастурда тезлаштирилган таълим ғояси ҳам илгари сурилмоқда.

Гап ҳаётга бошқача нигоҳ билан қараб, онгу шуурини ўстираётган, атрофни, оламни, унинг билимларини ўрганишнинг дастлабки босқичида турган болалар ҳақида кетганда, бунга ниҳоятда жиддий кўз билан қараш талаб этилади.

Масалан, маълум сабабларга кўра, биринчи синфга кеч борган болаларнинг кейинчалик ўз тенгдошлари сафига қўшилиб, улар билан тенгма-тенг билим олиши жажжи ўқувчиларнинг ўзига ишончини оширади. Ўзи тенги болалар билан бир синфда ўқиш, улар билан елкама-елка туриш орқали бола ўзини айро ҳис қилмайди, “нега мен ўз тенгдошларимдан ортда қолишим керак”, деган фикрлар кўнглини ўкситмайди.

Биринчи синфга кеч борган болаларга тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш ташаббуси уларнинг интеллектуал, ижтимоий ва эмоционал ривожланиши учун қулай муҳит яратиш зарурлиги билан асосланади.

Хорижий давлатларда тезлаштирилган таълим асосида иқтидорли болаларни юқори синфларга ўтказиш амалиёти кенг тарқалган. Бундай ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар, шу жумладан, мослаштирилган ўқув дастурлари, малака ошириш курслари ва мослаштирилган ўқув материаллари мавжуд.

Халқ демократик партияси фикрича, ушбу ёндашув ўқув жараёнининг ҳар бир ўқувчи эҳтиёжлари ва хусусиятларига мос келишини таъминлашга имкон беради. Бу эса уларнинг таълим натижаларини яхшилашга ва ўқув жараёни самарадорлиги ошишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси биринчи синфга кеч борган болалар учун тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш таклифини илгари сурмоқда. Бу ҳар бир боланинг ақлий ва руҳий ривожланиши учун керак. Шу нуқтаи назардан, боланинг ёши у билимни ўрганиши учун аҳамиятли. Демак, бола ўз тенгдошлари билан таълим олиши, улардан ортда қолмаслиги керак. Шунинг учун биз тезлаштирилган таълим бериш методларини амалиётга кенг татбиқ этишимиз лозим.

> **БИЗ ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА ЯНГИЧА ИСЛОҲОТЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР ТАРАФДОРИМИЗ. ПЕНСИЯ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ЕТАРЛИ БЎЛИШИ КЕРАК. БИЗДА ПЕНСИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН МУНОСИБ ДАРАЖАСИГА ЭРИШИШ БЎЙИЧА ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП.**

нинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада пенсионерлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар бирламчи аҳамият касб этади.

Глобал миқёсда, Ўзбекистонда ҳам узоқ умр кўриш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Мазкур тенденция, бир томондан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилаётганидан далолат берса, иккинчи томондан, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича зарурат кучаяди.

Биз пенсия тизимида янгича ислоҳотлар ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига етарли бўлиши керак. Бизда пенсиянинг ижтимоий жиҳатдан муносиб даражасига эришиш бўйича қилинадиган ишлар кўп.

Нима учун давлат пенсия таъминоти тизимини қайта ислоҳ қилиш зарур, деган ғояни илгари сурмоқдамиз?

Янгиланган Конституциямизнинг 46-моддасига кўра, ҳар ким қариганлик ёки меҳнатга лаёқатини йўқотганлик, боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминотга ҳуқуқи бор.



## ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Глобаллашув ва жаҳон интеграцияси натижасида бугун хорижий тилларни мукаммал билиш, IT дастурларини ўзлаштириш замонавий инсон ҳаётида ва иш фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгайиб бориши чет тилларни мукаммал биладиган кадрларга эҳтиёжни оширмоқда. Яқин истиқболда халқаро бизнес алоқалари ва туризм ривожланиши кўплаб имкониятларни очиб беради.

Дастурлаш соҳаси ҳам шундай, яъни, бугунги кунда энг талабгир соҳалардан бири. Чунки ҳеч биримиз ахборот-коммуникация технологияларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз.

Таъкидлаш лозимки, замонавий меҳнат бозоридаги рақобатдошликнинг муҳим шарти бўлган мазкур соҳа бўйича ёшларимизнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси мактабларда чет тиллар ва IT ўқув соатларини кескин кўпайтириш масаласини илгари сурмоқда. Чунки хорижий тилларни

билмаслик ва уларда сўзлаша олмаслик, IT йўналишини яхши ўзлаштирмаслик ёшларнинг кўп имкониятлардан фойдаланиш даражасини чеклайди.

Дастурлаш шунчаки код ёзиш эмас, балки сунъий идрок ёрдамида ақлни чархлаш ҳамдир. Бу ёшларимизга алгоритмлаш, мантиқий фикрлашни ҳам ўргатади. Бу технологик ютуқлар орқали жамиятга ҳисса қўшиш демакдир. Қолаверса, йилдан йилга сунъий идрок янада ривожланяпти, кўп соҳаларга сунъий интеллект кириб келмоқда. Тамаддун тараққиётининг ушбу чақириғини таълим жараёнида инобатга олиш давр талаби.

Бунинг учун, албатта, мавзуларни чуқурроқ тушуниш, кўникмаларни ошириш учун мактабларда назарий билим ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув соатларни, дарсларни кўпайтириш керак.

Яна бир муҳим томони бор. Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали биз мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишимиз аниқ.

Таълим ва ислоҳотларнинг узвийлиги, таълим ва янги технологияларнинг боғлангани, ўз навбатида, ишсизликка қарши энг самарали чорадир.

Шу ўринда Миллий тикланиш демократик партияси ўз дастурида мактабгача ва бошланғич таълимда компьютер саводхонлигига оид машғулотлар ўтказилмаслиги таклифи билан чиқаётгани бизни ажаблантирмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига фаол кириб келаётган ва келажак касблари қаторида кўрилаётган IT соҳасини ёшларимиз ўрганишга интилаётган, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини имкон қадар ёшлигиданоқ ушбу соҳани чуқур ўзлаштириши учун қўшимча курсларга бераётган бир вақтда рақибимизнинг ўта консерватив ушбу ғояси бугунги замон билан ҳамнафас эмаслиги аён бўлмоқда.

Бугунги кунда инклюзив таълимни ривожлантириш ва таълим жараёнини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш партиямизнинг таълим соҳасидаги узоқ муддатли мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишида ҳам қатор илғор таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, бизнинг олий таълим муассасаларида таълим ваучери тизимини жорий этиш тўғрисидаги ташаббусимиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биринчидан, ваучерлар талабаларга ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларини танлаш имконини беради ва шу орқали сифатли таълим олиш имкониятини оширади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши таълим хизматлари сифатини оширишда муҳим рағбат бўлади. Уларни, талабаларни кўпроқ жалб этиш мақсадида ўз дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқитиш услуб ва технологияларини жорий этиш, инфратузилмани ривожлантиришга ундайди.

Учинчидан, таълим ваучери тизими талабаларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради. Ҳар бир талаба ўз билимига ўзи хоҳлаганча сармоя кирита олади, бу эса келажакда янада малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг калитидир.

Шундай қилиб, таълим ваучерларининг жорий этилиши талабалар эҳтиёжлари ва бутун жамият эҳтиёжларига йўналтирилган янада мослашувчан ва самарали олий таълим тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Таълим ва тараққиёт қадимдан ёнма-ён юради, иккаласи бир-бирига хизмат қилувчи драйвер. Таълим соҳасида ҳозиргача рўй берган ўзгаришлар улкан меҳнат, катта эътибор ортидан келмоқда. Ҳали олдинда вазифа кўп. Кўзланган марраларга эришилганида мамлакатимизнинг илмий ва кадрлар салоҳияти, инсон капитали дунё даражасида юксалади.



**АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВРДА ҲАМ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭСА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИДАН БИРИДИР.**

## ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг энг асосий шартларидан биридир.

Партиямиз фикрича, ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади. Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожланган давлатлар тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни, ижтимоий ҳимоя манзилли ва шаффоф бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди.

Мазкур долзарб масалага Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида алоҳида эътибор қаратилмагани, аниқ таклифлар илгари сурилмагани таажжубли. Ваҳоланки, ўзини ўзи банд қилиш жамиятда иқтисодий фаоллик ошиши, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҳаракатлари кенгайишининг муҳим омили ҳисобланади. Партия дастурида ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратилиши, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари кенгайтирилиши борасида таклифлар илгари сурилган бўлса-да, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ ва амалий механизмлар назарда тутилмаган. Либерал-демократик партия аҳолимизнинг бу борадаги катта салоҳиятига кенгроқ ёндашиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Иқтисодий фаоллик, бандлик ҳақида сўз борар экан, ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш масаласига тўхталиш жоиз, албатта.

Сўнгги пайтларда “ўзини ўзи банд қилиш” тез-тез тилга олинмоқда. Ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад кўрадиган инсонлар ўзини ўзи банд қилган ҳисобланади. Бундай бандликнинг фойдали жиҳатлари кўп. Аввало, уйдан ишлашнинг қонуний имконияти яратилади. Бунда уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам таъминланади, яъни, улар пенсия ҳақида қайғурмаса ҳам бўлаверади. Чунки уларга иш стажи ҳисобланади. Улар учун даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар ҳам йўқ. Фақат бир йилда БҲМнинг 1 баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўлаш кифоя.

Ҳамюртларимиз орасида турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар ҳам бор. Масалан, репетиторлар, энагалар, сартарошлар, курьерлар, автомобиль ювувчилари, ҳунармандлар, тикувчилар ва яна бошқа касб эгалари ўзини ўзи банд қилувчилар бўлиши мумкин. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар бир киши ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзини ўзи банд қилиши мумкин.

Ўйлаб қарасак, бундай касб-ҳунарлар билан одамларимиз аввалдан шуғулланиб келган. Масалан, қадимдан ҳунармандчилик, устачилик, заргарлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касблар одамларимиз турмуш тарзининг асосини ташкил этган.

Халқ демократик партияси эндиликда ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзини ўзи банд қилиш кўпинча кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамдир. Ўзини ўзи банд қилганлар учун шароитларни яхшилаш иқтисодиётни диверсификация қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун асос бўлган кичик бизнеснинг ривожланишига хизмат қилиши мумкин.

Бундай фаол инсонлар учун фаолият турларини кенгайтириш янада мослашувчан меҳнат бозорини яратишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янада инклюзив ва мослашувчан иқтисодиётни яратишга қаратилган. Фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш янада барқарор ва адолатли иқтисодий муҳитни яратишга ёрдам беради, бу эса узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка олиб келади.

## ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ

Дунёнинг кўпгина давлатларида ишсизлик ҳолатларида мажбурий ижтимоий суғурта қилишнинг миллий моделлари жорий қилинган. Мисол учун, Германияда ишсизликдан суғурта тизими кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимининг бир қисмидир. Ишчилар ва иш берувчилар суғурта фондларига бадаллар тўлайди, иш жойини йўқотган тақдирда эса фуқаролар ишсизлик нафақасини олади.

Франция тизими кенг ижтимоий ҳимояни таъминлайди ва ишсизликни мажбурий суғурталашни ўз ичига олади. Ушбу тизимда касаба уюшмалари ва иш берувчилар суғурта фондларини бошқаришда иштирок этади.

Швецияда ҳам ишсизлик нафақаларини ўз ичига олган юқори даражада ривожланган ижтимоий суғурта тизими бор. Швеция моделининг муҳим элементи ишсизлар учун янги касбларни эгаллаш мақсадида қайта тайёрлаш дастурларини жорий этиш орқали фаол қўллаб-қувватлашдан иборат.

Халқ демократик партияси томонидан илгари сурилаётган ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта қилишнинг миллий модели жорий этилиши фуқаролар ҳаётининг оғир даврларида уларни моддий қўллаб-қувватловчи ижтимоий ҳимоя тизимини яратишда муҳим қадам бўлади.

Биз сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз.

Партиямизнинг парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиши, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг устунлигига эришиши ижтимоий соҳадаги режаларимиз янада тезроқ ва муваффақиятлироқ амалга оширилишини таъминлайди. Энг асосийси, ҳамма учун қулай ва муҳим бўлган ижтимоий соҳа ривожлантирилади.

**Феруза МАДРАҲИМОВА,**
**Ким ВИТАЛИЙ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.**



СЎНГГИ ПАЙТЛАРДА “ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ” ТЕЗ-ТЕЗ ТИЛГА ОЛИНМОҚДА. ЎЗ ИШИНИ ЎЗИ ТОПИБ, УНИ ЎЗИ БАЖАРИШ ОРҚАЛИ ДАРОМАД КЎРАДИГАН ИНСОНЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДАЙ БАНДЛИКНИНГ ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ КЎП. АВВАЛО, УЙДАН ИШЛАШНИНГ ҚОНУНИЙ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛАДИ.

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**




# БИР МАЙДОНДА БИР МАҚСАД УЧУН

**САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ҲАР ИККИ ТОМОН УЧУН ҲАМ ҲАЯЖОНЛИ ВА СИНОВЛИ ПАЛЛА. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД ЎЗИ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРНИНГ МАЗМУНИНИ САЙЛОВЧИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНИНИ, ЯНА НИМАЛАРНИ ИСТАЁТГАНИНИ ҲИС ЭТИБ ГАПИРАДИ. САЙЛОВЧИ ЭСА ЎЗ ҲАЁТИЙ МАҚСАД-МУДДАОЛАРИ, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИДА ҚАНЧАЛАР МУЖАССАМ ЭКАНЛИГИГА УРҒУ ҚАРАТАДИ, ХУЛЛАС, ЎЗИГА ХОС МУҲОКАМА ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ.**

**АММО БУ БАРЧА МУЛОҚОТЛАРНИ, МУҲОКАМАЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИГАН, ЯГОНА ҒОЯ АТРОФИДА МУЖАССАМ ҚИЛАДИГАН БИР ЖИҲАТ БОР – ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШ, ДАВЛАТ ҲАМДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАФАККУРИ УЙҒУН РИВОЖЛАНИШИГА ЎЗ УЛУШИНИ ҚЎШИШ НИЯТИДИР.**

2024 йил 12 октябрь. Шу куни Термиз шаҳридаги Санъат саройи майдонида ўтказилган тарғибот тадбирида ҳам партиямиз фаоллари, депутатликка номзодлар ўз фикрлари, таклиф ҳамда ташаббусларини мана шу призмада туриб баён қилишди, сайловчилар билан юзлашди.

Унда ўн минглаб сайловчилар йиғилди. Эътиборлиси, уларнинг барчасида ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси мужассам. Яъни, сайловларга бефарқ эмас. Учрашувга келган ҳар бир фуқаро ўз танлови, овози, фикри аҳамиятли эканига ишонади.

Йиғилганларга партия Сайловолди дастуридан ўрин олган ғоя ва ташаббусларнинг мазмуни, улар нимага хизмат қилиши содда ва равон тилда тушинтириб берилди.

Мулоқотга йиғилганлар партия вакилларига дастурдан ўрин олган таклифлар уларнинг ҳаётидан олинганини таъкидлаб, таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя каби йўналишлардаги баъзи ташаббусларнинг амалга ошиш механизмларини очиб беришни сўрашди. Партия вакиллари ҳам очиқ мулоқотга жиддий тайёргарлик кўргани сезилди. Улар сайловчиларнинг ҳар бир саволига бирма-бир, атрофлича жавоб бериб, масаланинг моҳиятини ётиғи билан тушунтирди. Баҳс-у мунозаралар қизигандан қизиди.

Учрашувни кузатар эканмиз, турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган таклифлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганига гувоҳ бўлдик.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов очиб берди. Партия етакчиси Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтди. Унда электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий таклифлар илгари сурилганини қайд этди.

Ҳар бир инсон фаровон яшашни истайди, орзу-ниятларимиз бир-бирига ўхшаш. Лекин жамиятда ҳамма ҳам тенг имкониятларга эга эмас. Қўллаб-қувватлашга, ҳимоялашга муҳтожлар бўлади. Шунинг учун давлат кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деди партия етакчиси.

Партиянинг асосий мақсади ҳар бир инсон учун муносиб шароит яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, барқарор даромад манбаи билан кафолатлаш экани қайд этилди.

Сайловолди дастурида 15 қадамни ўз ичига олган 150 дан ортиқ янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилаётгани айтилди, уларнинг айримлари ҳақида кенгроқ маълумот берилди.

Хусусан, партия ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ижтимоий кодексни қабул қилишга эришмоқчи. Бу ҳужжат ижтимоий соҳадаги қонунчиликни ягона тизимга келтиришга хизмат қилади.

Ижтимоий ёрдам ва нафақаларнинг янада адолатли тақсимланишига, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлади. Унинг қабул қилиниши ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш ягона стандартлар ўрнатилишига ёрдам беради.

Шунингдек, партия ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари учун муҳим ҳисобланган “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилишга интилади. Бу энг кам истеъмол харажатлари миқдори янгиланиб, ортиб боришининг кафолати бўлади. Натижада пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори ҳаётий зарур эҳтиёжларга етарли бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш партия учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ижтимоий объектларнинг 80 фоиздан ортиғи ногиронлиги бўлган шахслар учун мослашмагани жамиятни инклюзивлаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда.



Халқ демократик партияси пенсия ёшини ўзгартирмаслик тафдори бўлиб, давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига етарли бўлиши учун интилмоқда.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Ахир одамийлик, муҳтожларга мадад бўлишни халқимиз ҳамиша қўллаб- қувватлаган.

Шунингдек, депутатликка номзодлар ўз чиқишида сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси эканини алоҳида таъкидлаб, ўзи илгари сураётган дастурнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикрларини билдиришди.

Хусусан, кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Мулоқотда партия электорати вакиллари ҳам сўзга чиқиб, дастурдаги таклифлар уларнинг оиласи, яқинлари, фаолияти, ҳаётига яқин эканини таъкидлашди.

Таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя ва пенсия каби йўналишлардаги таклиф-ташаббуслар хусусида фикр билдиришди. Халқ демократик партияси сайловга янгича ёндашувлар билан кириб келгани, оммавий тадбирлар, юзма-юз учрашувлар сиёсий партия ва сайловчилар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбирда аҳоли вакиллари учрашув ҳақида, номзоднинг дастурида илгари сурилаётган ҳаётий ва изчил таклифлар ҳақида фикр- мулоҳазаларини баён этишди.

**Хуршида МИНГАТОВА, маҳалла фаоли, ўқитувчи:**


– Партия дастури билан танишар эканман, дастур халқчил, содда тилда, аниқ ва лўнда тузилганлиги билан менинг эътиборимни ўзига тортди. Унда, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган таклифлар, халқни қийнаётган муаммолар ва уларнинг ечими асослантирилган ҳолда ёритиб берилган.

Хусусан, ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозимлиги таклиф этилмоқда. Жумладан, аҳоли томонидан исрофгарчилик ҳолатларини камайтириш, кам таъминланган оилаларнинг қарзга ботиб кетишига чек қўйиш мақсадида тўйлар, дафн маросимлари ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишни қатъий тартибга солиш, ушбу тадбирлар учун ижтимоий меъёр белгилаш кўзда тутилмоқда. Бу албатта, исрофгарчиликларнинг олдини олишга ҳамда аҳоли, оилалар фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Бугун тўйлар ва бошқа маросимлар ким ўзарга ўтказилаётгандек гўё. Ҳаттоки, кимдир умра зиёратидан келса ҳам маросимлар худди дабдабали тўйдек бўлиб кетяпти. Агар партия дастурида белгиланган масалалар ижро этилса, исрофгарчиликнинг ҳам олди олинарди, ҳам тўй ва маросимларда меъёр белгиланган бўлар эди.

Яна бир мисол, ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзага келганлиги сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукцион-

**ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ, ИЖТИМОИЙ ТАФОВУТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ, МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН КАФОЛАТЛАШ ЭКАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ. САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА 15 ҚАДАМНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН 150 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАЁТГАНИ АЙТИЛДИ, УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ҲАҚИДА КЕНГРОҚ МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.**








O‘zbekiston ХДР Xalq demokratik partiyasi

# IJTIMOIY Davlat UCHUN!

**УМУМАН ОЛГАНДА, ПАРТИЯ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛАЁТГАН ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛГАН.**

да сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддатда ушбу кўчмас мулкни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш таклиф этилмоқда.

Биламизки, аукционга қўйилган кўчмас мулк эркин бозорда сотилганидан кўра арзонроққа баҳоланади. Сотилган мулкнинг қиймати қарздорликни қоплаши мумкин. Лекин бу ҳолатда иккинчи томон, яъни, қарздорнинг аҳволи инобатга олинмайди. Шунинг учун биз кўчмас мулкни уч ой ичида қарздорнинг ўзи сотиши учун имконият яратиш лозим, деб биламиз. Бу орқали мураккаб вазиятга тушиб қолган кредиторнинг аҳволини яхшилаш мумкин.

Умуман олганда, партия томонидан илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар халқ фаровонлиги таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда жамият ривожланишининг барча жабҳаларини қамраб олган.

Мен ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлайман ҳамда барчангизни сайловда фаол иштирок этишга, Ўзбекистон ХДП ва унинг номзодларига овоз беришга чақираман.

**Робияхон АБДУРАҲМОНОВА,**
**ўқитувчи:**



– Уч нафар фарзандим бор. Очиғини айтсам, мен бундай сайлов билан боғлиқ жараёнда биринчи марта қатнашяпман. Бу йиғилишда мен ўзим учун кўп нарса олдим. Партиянинг дастуридан ўрин олган таклифларни эшитдик. Шахсан менга оналарнинг бола парваришлашга сарфланган вақтларини тўлиқ иш сатжига қўшиш керак, деган жойи жуда ёқди.

Бундан анча олдин нечта фарзанди бўлса ҳам, уларни парваришлашга сарфланган вақтининг узоғи билан уч йили ҳисобга олинарди. Кейин у муддат 6 йилга узайди. Ўшанда ҳам жуда хурсанд бўлганмиз.

Лекин бугун эшитган таклифим амалга ошса, ҳақиқий адолат қарор топган бўлади. Чунки оналар фарзанди учун ўзидан кечади, умрини уларга бағишлайди. Борини шу болаларига беради. Ўша болалар давлат учун хизмат қилади. Кун келиб озми-кўпми жамиятга фойдаси тегса, бу ота-она меҳнатининг самараси.

Биз оилада 6 та фарзандмиз. Онам олтитамизни тарбиялайман, деб деярли ишлашга ҳам улгурмаган. Умрининг гуллаган вақтини бизга берган. Ҳозир онам пенсияда, арзимаган пул олади. Чунки иш стажи жуда кам. Бизни парваришлаган йиллари стажида ҳисобланмаган. Биз ҳаммамиз уйли-жойли бўлиб кетдик. Биттамиз ўқитувчи, биттамиз шифокор, яна бошқамиз уй бекаси. Ота-онамиздан ҳафтада бир марта хабар олсак, катта гап. Тирик жоннинг иссиқ-совуғи бор. Оладиган пенсияси эҳтиёжига етмайди. Ота-онамизга нимадир керак бўлса, бизга айтинг, деймиз. Кўпинча бизни рўзғоримизни ўйлайдими ёки айтишга ийманадими, индашмайди. Бу билан нима демоқчиман? Фарзанд қанча яхши бўлса ҳам ота-онанинг камини ҳар доим ҳам тўлдиролмайди.

Бу таклиф оналарни эъзозлашга, оналикни рағбатлантиришга йўналтирилган, уларнинг фидокорликларини қадрлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайман. Яъни, келажакда оналарнинг пенсияси яхшироқ бўлишини, қариганда яхшироқ яшашини, ҳеч қурса ўз ками-кўстини беминнат пенсиясидан тўлдиришини кафолатлайди.




**Муҳтарама РАВШАНОВА,**
**Термиз давлат университети магистранти:**



– Мен бу йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатларни сайлаш жараёнида биринчи маротаба иштирок этаман. Ва бу жараён мен учун жуда қизиқ. Ҳозир партиянинг Сайловолди дастурини эшитиб ўтириб, айрим жиҳатларни ўзимга белгилаб олдим.

Хусусан, 9-синфдан кейинги таълимни танлов асосида йўлга қўйиш, яъни, 9-синф битирувчиси олий таълимни ёки касбга йўналтириш тизимини танлайди. Бунда олий таълимга иштиёқи бўлмаган ёшларга уларнинг ихтиёрига кўра муайян касбни ва хорижий тил чуқурлаштириб ўргатилади, ўқувчи мактабнинг 11-синфини тугатиш билан бирга битта касб ёки ҳунар эгаси бўлиб чиқади. Бу дегани 3-4 йил вақт тежалади, давлат бюджети ҳамда ота-оналар маблағи тежалади.

Мисол учун, мен ўзим мактабнинг 11-синфини тугатганимдан сўнг касб-ҳунар мактабида ўқишни давом эттираяпман, бу ерда ҳам 4 (3) йил ўқиб, касб-ҳунар ўрганганимдан сўнг ишлаш ваколатига эга бўламан. Агар юқоридаги таклиф амалга ошадиган бўлса, менга ўхшаган ёшлар 3-4 йил олдин меҳнат фаолиятини бошлаб, вақтдан ютишади.

Яна бир эътиборимни тортгани, бу норасмий таълим натижаларини ўрта махсус, профессионал ва бакалавриат даражасида тан олиш тартибини йўлга қўйиш ташаббуси. Бу билан расмий профессионал ёки олий таълим ололмаган шахслар мустақил равишда таълим олиб ёки бирон бир касбни эгаллаб, ўз ижтимоий ҳолатини яхшилайди. Бу ҳам жуда муҳим ва зарур таклифлардан биридир.

Агар сиз-у биз партияни қўллаб-қувватласак, юқорида партия вакиллари айтиб ўтганидек, партия кўпроқ овозга эга бўлади, бу дегани партия дастурида илгари сурилаётган таклифларнинг амалга ошишига ҳам кўпроқ имконият пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Сайловолди дастурида жамият ривожланишининг барча йўналишлари қамраб олинган, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 100 дан ортиқ таклифлар киритилган ва мен ёшлар вакили сифатида ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлайман, сизларни ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашга, 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига овоз беришга чақириб қоламан.

**Норбой ШОМУРОДОВ,**
**меҳнат фахрийси:**



– Бугун учрашув давомида Халқ демократик партияси билан, унинг амалий фаолияти ва партия Сайловолди дастури лойиҳаси билан яқиндан танишдим.

Дастурдаги профессионал ёндашув ҳамда кўтарилган ҳаётий масалаларнинг ҳар бири муҳим аҳамият касб этади. Ўзим тиббиёт соҳаси вакили бўлганлигим учун Сайловолди дастуридаги соғлиқни сақлаш соҳасига оид ташаббусларга кўпроқ эътибор қаратдим.

Бунда, аҳолининг қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат олиши, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш орқали соҳада шаффофликни таъминлаш масалалари қамраб олинган. Ушбу йўналишда тизимдаги барча камчилик, муаммолар ва уларнинг ечими кўрсатилган, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш чоралари белгиланган. Жумладан, тиббий суғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида "Давлат тиббий суғурта тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш назарда тутилган.

Аҳолимизнинг жуда катта қисми шифокорга фақатгина касалликнинг оғир ҳолатида мурожаат қилади. Шу сабабли, ҳар куни кўплаб беморларни қабул қиламиз, улар билан мулоқот қиламиз. Бирор жойи оғриб қолса, ўтиб кетади дейишади ёки ўзларича даволанишга ҳаракат қилишади, бу эса касалликни оғирлаштиради, холос. Ҳаттоки, йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтишни ҳам одат қилишмаган. Шу сабабли, аниқлаш орқали унинг салбий оқибатларини юмшатишга эришиш мақсадида аҳолини скрининг қилиш кўламини кенгайтириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқиш масаласи киритилган. Бу аҳолини соғломлаштириш йўлида жуда катта қадам бўлади.

Яна бир муҳим масала бу хоспис тизимини ривожлантириш ва "Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланганлигидир. Чунки, бугунги кунда Ўзбекистонда хоспислар муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Республикада катта ёшдаги беморлар учун бирорта ҳам хоспис йўқ. Партия бу масалага эътибор қаратгани шифокор сифатида мени қувонтирди.

Умуман олганда, Сайловолди дастури лойиҳасида жуда кўплаб таклиф ва ташаббуслар киритилган бўлиб, жамият ривожланишининг барча жабҳаларини қамраган ва ҳақиқий халқчил дастур ишлаб чиқилган, десак муболаға бўлмайди.

**Азиза ОЧИЛОВА,**
**Термиз иқтисодиёт ва сервис университети ходими:**



– Мен партия дастурини қизиқиш билан эшитдим ва аҳолининг бир вакили сифатида шуни айта оламанки, дастурда халқни қийнаётган жуда кўп муаммоларнинг ечими берилган. Шунингдек, Сайловолди дастурининг оддий тилда ёзилгани ва халқчиллиги менга жуда ёқди. Масалалар аниқ ва лўнда қилиб берилган. Партиянинг фаолиятини кузатиб борадиганлар билади, ўтган йиллар давомида аёлларнинг бола парваришлаш билан боғлиқ даври партия ташаббуси билан пенсия чиқаётганида меҳнат стажига қўшиладиган даври 3 йилдан 6 йилга узайтирилган эди.

Мана бу йилга дастурда эса янада адолатли тизимни жорий қилиш, яъни, аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига барча боласини парваришлаш таътилларида бўлган вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш масаласи белгиланган барча аёлларимиз учун жуда муҳим ҳисобланади.

Чунки, бир фарзандни соғлом қилиб тарбиялаш ва жамият учун нафи тегадиган авлод қилиб етишиши учун катта куч ва меҳнат сарфланади. Бу меҳнат эса рағбатлантирилиши керак.

Биз болажон халқмиз. Ҳар бир оилада камида 2 ёки 3, ҳатто 5-6 нафаргача фарзанд бор. Ҳар йили минглаб янги оилалар рўйхатга олинмоқда. Мисол учун, 2024 йилнинг январь-июнь ойларида 97 минг 400 та никоҳ қайд этилган. Демакки, янги ҳаёт бошлаган оилаларимиз алоҳида турар жойли бўлиши керак.

Партия дастурида бу масалага ҳам ечим берилгани барчани қувонтиради.

Чунки партия аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш учун алоҳида қонунни қабул қилмоқчи.

Бу "Ижтимоий турар жойлар тўғрисида"ги Қонундир. Агар ушбу қонун қабул қилинса, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойлар қурилади, минглаб оилалар бошпанали бўлади.

Мен ушбу таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда барчани халқчил Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлашга ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда унинг номзодларига овоз беришга чақириб қоламан.




**Учрашув сўнггида сайлов тизимидаги ўзгаришлар, Халқ демократик партияси фаолияти, Сайловолди дастуридаги ғоя ва таклифлар ҳақида қисқа савол-жавоб викторинаси ҳам ўтказилди. Фаоллик кўрсатган иштирокчиларга тарғиботга қаратилган эсдалик совғалари топширилди.**

**Қўшни ҳудудлар Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидан ҳам партия фаоллари, хайрихоҳ сайловчилар иштирок этгани оммавий тадбирга янада кўтаринкилик улашди. Ҳар бир инсон фаровонлигига хизмат қиладиган ғоя ва ташаббуслар атрофида бирлашган турли соҳа ҳамда ёшлар вакиллари сиёсий жараёнларда юқори ҳамжиҳатлик намунасини кўрсатишди. Воҳага келган меҳмонлар ҳам Сурхондарёнинг қайноқ, меҳрли тафтини ҳис қилишди.**

**Тадбир якунида сайловларнинг мамлакат равнақи учун аҳамияти, демократик жамият қуришдаги ўрни ва ҳар биримизнинг ҳаётимизга таъсири ҳақида сўз юритилиб, Халқ демократик партиясига, унинг номзодларига овоз беришга чақириқлар янгради.**

**Лазиза ШЕРОВА,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

# НОМЗОДЛАРИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!



**Мамлакатимиз ҳаётида кутилаётган муҳим сиёсий тадбирга саноқли кунлар қолмоқда. Сайлов кампанияси қизғин суръатда давом этаётган айни паллада барча сиёсий партиялардан парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар жойларда сайловчилар билан учрашмоқда. Партияларнинг галдаги беш йил учун мўлжалланган дастурлари мазмун-моҳияти аҳоли кенг қатламига турли тарғибот шаклларида етказилмоқда.**

**Газетамизни кузатиб бораётган бўлсангиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан халқ вакиллигига кўрсатилган номзодлар ҳам бу борада фаол ва етакчидирлар. Улар халқимиз учун янада яхши ва янги ўзгаришларга мужда уйғотувчи таклиф-ғоялар замиридаги мақсадларни ҳамда долзарб аҳамиятини изоҳлаб келмоқдалар.**

**Қуйида ана шу номзодларнинг яна бир гуруҳига минбарни берамиз.**

## АҲОЛИНИНГ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ МУҲИМ



20-ОКРУГ, НАВОИЙ

**НАРИЗОВА Иба,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Тадбиркорлар сафини кенгайтириш, аҳолини хусусий бизнесга кенг жалб қилиш, шу орқали ишсизлик ва камбағаллик кўрсаткичларини камайтириш мақсадига қаратилган дастурларнинг ижросини таъминлашда молия институтлари, жумладан, банклар томонидан қулай ва жозибадор кредит турлари тақдим этилаётгани эътиборга лойиқ жиҳатдир. Айниқса, аҳоли билан ишлашда энг қуйи бўғин – маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари орқали ишсиз, ҳеч бир даромад манбаига эга бўлмаган фуқароларни аниқлаш, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида уларга кредит ажратиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти бугун моддий қийналган оилаларнинг қайта оёққа туришига, бутун бир бошли маҳаллалар саноат ва ишлаб чиқаришнинг муайян бир турига ихтисослашиб, драйвер соҳалар юзага келишига пойдевор яратмоқда.

Одатда бирор каттароқ харидни амалга ошириш (уй-жой ёки автомобиль харид қилиш) ва бошқа молиявий мақсадлар учун банкдан кредит олиш ҳар томонлама афзал саналади. Бизнес лойиҳалар учун банк ва кредит ташкилотлари таклиф этаётган молиявий хизматлардан фойдаланаётган тадбиркорларимиз сони салмоқли бўлгани каби оддий истеъмолчи сифатида банкдан микроқарз олиб, хонадонида иссиқхона хўжалиги ташкил этган ёхуд миллий ҳунармандчиликнинг бирор тури бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилганлар ҳам оз эмас. Ипотека кредити ёки автокредит ёрдамида кўпдан буён кўнглида тугиб юрган нияти амалга ошган инсонлар қанча. Ва бу қувонарли, албатта. Бироқ банк кредитлари бўйича мураккаб талабларнинг мавжудлиги, фоиз даражасининг юқорилиги, кафиллик ёки гаров билан боғлиқ муаммолар ҳам борки, мазкур ҳолат фуқароларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлаётганини яширишнинг ҳожати йўқ. Шу билан бирга аҳоли барча қатлами ўртасида молиявий саводхонликни етарли даражада, деб бўлмайди.

Кредит маълум бир мақсадга, муайян муддатга ва уни сўндириш графиги асосида қарздорнинг тўлай олиш қобилиятига қараб ажратилади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисига тадбиркорлик мақсадларидан ташқари ипотека, истеъмол ва автомобиль, таълим кредитлари, микроқарзлар бериш тартиби мавжуд. Айни пайтда ўнлаб банклар (шу йил апрель ҳолатига Ўзбекистонда лицензияга эга банклар сони 36 та бўлган) аҳолига таклиф этаётган бу кредит турларининг фоизлари юқорилиги эса кундай равшан.

Масалан, 2024 йилнинг биринчи ярмида республикамизда ипотека кредити олганлар сони 26,2 минг кишини ташкил қилган. Буни ўтган йилнинг шу даврига солиштирсак, сезиларли пасайиш тенденциясини кўрамиз – 2023 йилнинг дастлабки олти ойида 31,7 минг киши ипотека кредитлари харидори бўлган. Бу бир қарашда истеъмол бозорида ипотека кредитларига талаб камайгандек фикр уйғотади. Аммо бунинг акси бўлган бир ҳақиқат бор – юртимиз аҳолисининг шахсий уй-жойга бўлган эҳтиёжи юқорилигича қолмоқда. Уй-жой сотиб олиш учун эса ипотека кредити катта мадад ҳисобланади. Шундай шароитда ипотека кредити олганлар сони камайиши – бу талаб билан эмас, балки аҳолининг кредитни олиш ва қайтариш шартларига доир мушкулотлари билан боғлиқ ҳолатдир. Зотан, банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг фоиз ставкаси шу йил бошидаги 23 фоиздан июнь ойига келиб 25,1 (!) фоизгача етган. Бу кичкина рақам эмас.

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бу — ОТМларга тўлов-контракт ҳисобига ўқишга кирган талабаларнинг контракт пулини тўлаш учун таълим кредитларининг олиши масаласи. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори, Марказий банкнинг низоми билан бу йўналишдаги кредитларнинг фоиз ставкаси аниқ белгилаб қўйилган: қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда, яъни, таълим кредити устамаси ҳозирги 13,5 фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

Лекин 2024 йил 12 сентябрь ҳолатига "Bank xizmatlari" сайтида берилишича, ҳозирда юртимизда 14 та тижорат банки таълим кредити ажратган. Кўринадики, 14 банкдан 5 таси қайта молиялаш ставкаси (13,5) дан ошмаган фоизда таълим кредити таклиф этган. Қолганлари эса таълим кредити учун белгилаган фоиз миқдорлари 14 дан 30 гача бўлган рақамни кўрсатмоқда. Шу ўринда савол туғилади, хўш, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида фоизи йиллик қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлган таълим кредити олишни истайдиган ва бундан манфаатдор қатлам неча фоизни ташкил этади?

Халқимиз фарзандининг олий таълим олиши учун бор-будини сарфлайди. Лекин молиявий имконияти етмагани учун банклардан таълим кредити олишга мажбур ота-оналар озмунча эмас. Бугунги кунда топган даромадини мана шу кредитни ёпиш учун сарфлаётган оилалар ҳам кўп бўлса, кўп, кам эмас.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида жамиятимиз ҳаётида кузатилаётган мазкур муаммога алоҳида диққат қаратилган. Ижтимоий адолат тарозисини бузаётган бундай ҳолатларга узил-кесил нуқта қўйиш мақсадида аҳолининг тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда кенг омма учун қулай бўлган кредит механизмларини такомиллаштириш, ҳақчиллик ва халқчиллик тамойилларига мувофиқлаштириш кераклиги илгари сурилмоқда.

## ОИЛА – ҲАР БИР БОЛА УЧУН ИШОНЧЛИ ҚЎРҒОН



48-ОКРУГ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**КУЛБЕКОВА Насиба,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Бугунги кунда дунё миқёсида 240 млн нафар бола ногиронликнинг у ёки бу туридан азият чекмоқда. Соғлом тенгдошларига қараганда жисмоний-ақлий ривожланишда, таълим олишда имконияти чекланган бу болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир инсонпарвар давлат ва жамиятнинг бош вазифаси ҳисобланади. ЮНИСЕФ глобал доирада олиб борган ўрганишлари бу болаларда рағбатлантириш ва ёрдам олиш эҳтимоли 24 фоизга, асосий ўқиш ва ҳисоблаш кўникмаларига эга бўлиш эҳтимоли 42 фоизга камроқ, ҳеч қачон мактабга бормаслик эҳтимоли эса 49 фоизга кўпроқ эканини кўрсатди. Уларнинг ярмидан кўпи ўзини бахтсиз ҳис қилади, 41 фоиздан кўпроғи камситилган ҳисси билан яшайди.

Аслида ҳар бир бола оилада ҳам, жамиятда ҳам алоҳида эътибор ва қаровга муҳтож саналади. Агар бу болада жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсон бўлса, ана шу талаб қилинадиган эътибор ва парвариш неча ҳисса ортишини тасаввур этиш мумкин.

Ўтган йили Жаҳон банки томонидан эълон қилинган тадқиқотга кўра, юртимизда 845,3 минг киши ёки умумий аҳолининг 2,3 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этган. 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар эса 142,3 минг нафарга етган.

Таъкидлаш ўринлики, бу болалар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам бериш, алоҳида эҳтиёжга эга шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланган.

Халқимиз болажон, шунинг учун ҳам турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, оилада ногиронлиги бор бола бўлса, жуда камдан-кам ота-она уни ихтисослаштирилган муассасага олиб боради. Аксарият ҳолларда бундай болалар оила муҳитида яшайдилар. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Жондай азиз фарзандининг имконияти чекланган бўлса, уни парваришлаётган ота-онага асло осон тутиб бўлмайди. Бундай ота-оналар, айниқса, оналар бошқалар каби фарзандини боғча ёки мактабга жўнатиб, ишга бориш, даромад топишдек одатий кундалик ҳаёт тарзини танлай олмайдилар. Ахир уйда доимий парваришга муҳтож бола бор. Табиийки, бу оиланинг моддий ва психологик-руҳий барқарорлигига таъсир қилади. Демак, бу оилага давлатнинг ижтимоий кўмаги керак бўлади.

Шу нуқтаи назардан партиямиз ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхатини кенгайтиришни таклиф қилмоқда. Айтайлик, мушаклар, бош мия дистрофияси, мияча эрта атаксияси, зўрайиб борувчи ирсий атаксия каби касалликлар туфайли доимий парваришга муҳтож болалари бор оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган ногирон болалар сони кўпайиб бораётгани ва улар бу муассасаларда зўравонликнинг турли шаклларига дуч келаётгани ёхуд эътиборсиз қолаётгани сир эмас. Ногиронлиги бўлган болаларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш нақадар долзарб экани сабаби ҳам шунда. Агар ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтирсак, бу билан ҳар бир бола учун ишончли қўрғонни яратган бўламиз.

> ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДА КУЗАТИЛАЁТГАН МАЗКУР МУАММОГА АЛОҲИДА ДИҚҚАТ ҚАРАТИЛГАН. ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАРОЗИСИНИ БУЗАЁТГАН БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРГА УЗИЛ-КЕСИЛ НУҚТА ҚЎЙИШ МАҚСАДИДА АҲОЛИНИНГ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА КЕНГ ОММА УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛГАН КРЕДИТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ҲАҚЧИЛЛИК ВА ХАЛҚЧИЛЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕРАКЛИГИ ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.

## БЮДЖЕТ БИТМАС-ТУГАНМАС ЗАХИРА ЭМАС




39-ОКРУГ, СУРХОНДАРЁ

**НОРМУРАДОВА Шахноза,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-2020 йилда қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан илк бор республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Олий Мажлис палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди.

Мазкур йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлари консолидациялашган давлат бюджетида акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиқлиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал балансининг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Халқ бюджетни шакллантиришда иштирок этишга, асосан солиқлар эвазига йиғилган пул маблағлари қандай ва қаерга сарфланаётганини билишга, керак бўлса, бунинг устидан назорат қилишга ҳаққи бор.



Айтайлик, яқин-яқингача маҳаллага ичимлик суви келтириш ёки ички йўлларни яхшилаш, борингки, поликлиника ёки мактаб қуриш зарурати кўтариб чиққан фуқароларимиз тегишли мансабдор шахслардан «Давлат томонидан пул ажратилса, бажарамиз», деган жавобни олар, ўша маҳалладаги кўпчиликни қийнаб келаётган муаммо йиллаб ечилмай турар эди. Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомиллари очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилиши билан боғлиқ конституциявий тамойил жорий этилгач, вазият яхши томонга ўзгармоқда. Аввало, фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиш тартиби пайдо бўлди. Ташаббусли бюджет амалиёти орқали жойлардаги ижтимоий муаммоларни бюджетга киритиш ва уларни тезлик билан ҳал қилиш имкони яратилди.

Лекин шунча шаффоф тизим яратилаётганига қарамай, бюджет маблағларини ноқонуний харж этиш, мақсадсиз сарфлаш ҳолатлари кескин камайиш ўрнига ортиб бораётгани таажжубли ҳол. Айрим бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналарида мавжуд пул маблағларини мақсадсиз сарфлаш, керак-нокерак харидларни амалга оширишдаги бемалолчилик буткул йўқолмагани ҳам аччиқ ҳақиқатдир.

Ижтимоий сиёсатни давлат тараққиётининг туб тегизи деб ҳисоблайдиган Халқ демократик партияси бу муаммонинг ечими сифатида давлат бюджети маблағларини самарасиз ва мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтиришни таклиф қилмоқда. Мақсад ҳар бир сўм халқнинг фойдаси учун ишлатилсин.

Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий муаммолар оз эмас. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ногиронлиги бор шахслар, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар манфаатлари ҳимоясини ошириш, замонавий таълим ва тиббий муассасалар бунёд этиш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида йиғилиб қолган камчиликларни бартараф қилиш – булар заррача ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

Давлат бюджети битмас-туганмас захира эмас. Бюджет маблағларини шакллантиришдан тортиб сарф этишгача бўлган бутун бошли жараён соат милларидек аниқликни, қонуний тартибни, интизомни, шунингдек, ҳалолликни талаб қилади. Буни ҳар бир мансабдор шахс чуқур ҳис этмоғи керак. Акс ҳолда давлат ва халқ манфаатидан кўра ўз манфаати иш фаолиятида устунлик қилиши, бу эса қатор қонунбузилишларга йўл очиши муқаррар.

Партиямиз мазкур йўналишда жавобгарликни кучайтириш билан бирга давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳадя этишни ҳам қонуний тақиқлаш тарафдоридир.

# БОШҚАРУВ СЕРВИС КОМПАНИЯЛАРИ ҲИСОБДОРЛИКНИ ҲИС ҚИЛСИН



62-ОКРУГ, ХОРАЗМ

**МАТКАРИМОВ Жаҳонгир,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Статистик маълумотларга кўра, жорий йил сентябрь ҳолатига республикамизда кўп қаватли уйлар сони қарийб 42 мингтага етган. Бу шаҳарсозликни ривожлантириш, демографик кўрсаткичларга мутаносиб равишда кўп қаватли турар жойлар қуриш кўламини кенгайтириш, аҳоли учун замонавий инфратузилмаларни яратиш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг изчиллигини кўрсатади. Аҳамиятлиси, бугунги кунда ушбу кўп қаватли уйларнинг 92 фоизига 821 тадан ортиқ бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан манзилли дастур асосида кўп қаватли уйларнинг том қисмини, кириш йўлакларини, ертўла ва ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш, энерго тежамкор лампалару кодли темир эшиклар ўрнатиш ишлари изчил олиб борилаётгани маълум.

Тизимдаги бундай ўзгаришлар роса тўрт йил олдин кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида бошқарув сервис ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш амалиёти бугун ўзини оқлаётганини тасдиқлайди. Унга қадар кўпинча сансалорлигу техника ёки мутахассис етишмаслиги важидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифати паст бўлиб келган уй-жой мулкдорлари ширкатларига одамларимизнинг ишончи деярли йўқолган эди.

Бироқ бошқарув сервис компаниялари бор дегани кўп қаватли уйларда муаммолар тугатилди, деганимас. Ҳали-ҳамон жойларда кўп квартирали уйларнинг таъмирталаблиги, лифт, ертўла, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммолардан аҳолининг норозилик ҳолатларига дуч келамиз. Чунки ҳамма жойда бошқарув сервис ташкилотларининг ҳаммаси ҳам бирдек самарали ва сифатли хизмат кўрсатяпти, дейиш қийин.

Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида мана шу муаммо ечимига эътибор қаратган. Яъни, жойларда бошқарув сервис компаниялари фаолиятига қўйилган талабларни кучайтириш, уларнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши, шаффофлик ва ҳисобдорлик даражасини, аҳоли мурожаатларини қисқа муддатда ҳал қила олиш салоҳиятини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни зарур, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, кўп қаватли уйларга туташ бўлган жойларда замонавий болалар майдончаларини қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш борасида ҳам бу ташкилотлар масъулиятини оширишга талаб ортмоқда. Чунки ҳудудларга чиққанимизда, ҳатто пойтахт маҳаллаларига борганимизда ҳам кўзимиз тушади, кўп қаватли уйлар олдида болалар учун ўйин майдончалари қаровсиз ётади, ўрнатилган аттракционлар ҳам эскирган ва болалар учун хавфли, ҳатто баъзан бу ўйин майдончалари ва унинг ён-атрофини автотураргоҳга айлантириб олиш ҳолатлари мавжуд.

Шу каби муаммоларга узил-кесил нуқта қўйишнинг ягона чораси – бу бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, улар фаолиятига юқорида санаб ўтганимиз – янги мезонларни қонун йўли билан киритишдир.

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИШ КЕРАК



**ТЎРАЕВ Абдурахмат,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар изчил амалиётга йўналтирилмоқда. Сўнгги етти йилда ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 триллион сўмдан 33,5 триллион сўмга, яъни, 6 бараварга ошди. Бунинг самарасида жойларда, айниқса, шаҳар ва туман марказларидан узоқ бўлган аҳоли манзилларида замонавий тиббий муассасалар барпо этилмоқда. Касалликларни эрта аниқлаш, ирсий ва сурункали касалликлар профилактикаси, скрининг текширувлари сифат ҳамда қамров даражаси кўтарилди. Гипертония, юрак ишемик ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхиал астма, қандли диабет, гепатит каби аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган еттита касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Бир пайтлар фақат пойтахтдаги республика тиббий марказларида қилинган мураккаб жарроҳлик амалиётлари бугун вилоят, ҳатто туманлардаги тиббиёт бирлашмаларида амалга оширилмоқда. Тиббий хизматнинг ривожланаётгани пировардида одамларимизнинг узоғини яқин, мушкулини енгил қиляпти.

Шунинг баробарида бирламчи тиббий муассасалар фаолиятида кузатилаётган илғор тиббий техникалар, дори-дармонлар ва тор мутахассислар таъминоти билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш, замонавий тиббиётни халққа яқинлаштириш кун тартибидаги муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

Партиямиз ушбу йўналишда асосли, аниқ таклифларни илгари сурмоқда. Вилоятларнинг кўп тармоқли тиббиёт ва тиббий диагностика, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини замонавий технологиялар ҳамда тегишли мутахассислар билан таъминлаш бўйича махсус дастурлар қабул қилиш ва ижросини кафолатлаш шулар жумласидандир.

Баъзан ўзи ёки яқин инсонини безовта қилаётган хасталикнинг нима эканини билмай, аниқ ташхис учун узоқ чақирим йўл босиб, пойтахтга келаётган, вақт, маблағ борасида йўқотишлар қилаётган қанча кишилар бор. Агар партиямиз таклифи тизимли йўлга қўйилса, фуқароларимизнинг тиббий хизматдан фойдаланиш қулайликлари янада ортади.

Қолаверса, касалликларни барвақт аниқлаш орқали уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга эришиш мақсадида аҳолини скрининг қилиш кўламини кенгайтириш замонавий тиббиётни халққа яқинлаштиришга, миллат генофондини сақлашга замин яратади.

# САЛОМАТЛИК ГАРОВИ



**ТУРСУНОВ Имомназар,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили дунёда 600 млн нафар киши бактерия, вирус, паразитлар ёки кимёвий қўшимчалар билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш туфайли ошқозон-ичак касалликларига йўлиқадилар. Уларнинг 400 мингдан зиёди айнан шу сабаб билан оламдан кўз юмади.

Бизнинг асримизга келиб илм-фаннинг жадал тараққий этиши барча соҳада, хусусан, озиқ-овқат саноатида ҳам мисли кўрилмаган кашфиётларга туртки бермоқда. Бугун инсоният учун ҳатто сунъий гўшт ва сунъий тухум ҳам янгилик бўлмай қолди. Озиқ-овқат хавфсизлиги тобора стратегик аҳамият касб этиб бораётган, глобал экологик тангликлар ортаётган айни замонда бундай янгиликларнинг бевосита инсон ва миллат саломатлигига қандай дахли бор, бу энди мутахассис-экспертлар учун мавзу. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, инсон соғлиги учун хавфли саналган, кимёвий усулларда қайта ишланган маҳсулотларнинг имкон қадар истеъмолини камайтириш шарт ва зарурдир. Чунки тиббиётчилар ҳозирги пайтда оғир онкологик касалликларнинг кенг тарқалиши ва ёшариши сабабларидан бирини ҳам айнан истеъмол қилинаётган зарарли маҳсулотлар билан боғламоқдалар.

Газланган ширин ичимликлар, чипсилар, “кириешки”, “хрустяшки”, ёрқин рангдаги конфет ва карамеллар, шоколадлар, қайта ишланган гўшт маҳсулотлари (колбаса, сосиска ва ҳакозо), кетчуп, майонез, соус, алкоголь ва энергетик ичимликлар – буларнинг бари инсон соғлиги учун хавфли ҳамда турли асоратларга олиб келади.

Халқ демократик партияси мана шу сингари соғлик учун зарарли маҳсулот гуруҳларига солиқ юкини ошириш ташаббуси билан чиқмоқда. Фақат шу орқали соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш интенсивлигига эришиш мумкин, бизнингча.

Дўконларга кирсангиз, хилма-хил ширинликлару расталарга терилган турли рангдаги ичимликлардан кўзингиз қамашади. Ота-онаси билан етаклашиб дўконга кирган бола борки, ана шу маҳсулотлардан олиб беришни сўрайди. Ёки охирги пайтларда эътибор қиляпман, турли кимёвий қўшимчалар асосида тайёрланган чипсилар дўконларда қоплаб турганини кўряпмиз. Асосан боғча ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари харид қилишади. Тўғри, мазали, бироқ зарари ҳам оз эмас бу маҳсулотларнинг.

Партиямизнинг юқоридаги таклифи мана шундай кони зарар бўлган истеъмол маҳсулотлари сотилишини қайсидир даражада тартибга солиши, оқибатда истеъмол кўлами камайишига олиб келиши билан айни муддаодир.

Соғлом овқатланиш – бу саломатлик гарови. Ўзимизни ва фарзандларимизни зарарли маҳсулотларни истеъмол қилишдан тийиш орқали, аввало, соғлом ҳаётимизни асраган бўламиз. Соғлом овқатланиш қоидалари мана шундан бошланади.



# ТАЛАБА-ЁШЛАРИМИЗ МАНФААТИ УЧУН



**САТТАРОВА Гулноза,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида 2024/2025 ўқув йилида 1 миллион 167 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олиши прогноз қилинган. Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида рўёбга чиқарилаётган тизимли ишлар натижасида ҳозирги кунда республикада ОТМ сони 211 тага етди. Уларнинг 112 таси давлат, 30 таси хорижий ва 69 таси нодавлат ОТМ ҳисобланади. Ёшларимизнинг олий таълимга қамрови 43 фоизга етказилгани соҳавий ўзгаришлар ва янгиланишларнинг эътирофга лойиқ маҳсулидир.

Яна рақамларга диққат қаратамиз. Бугунги кунда 112 та олийгоҳда жами 338 та талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларнинг сиғими 127 минг 792 ўринни ташкил қилади. Бу ётоқхонага эҳтиёжи бор талаба-ёшларнинг 54 фоизини қамраш имконини беради. Шу билан бир қаторда республика миқёсида саксондан зиёд талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳалари амалга оширилаётгани айтилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида таълимда ижтимоий тенгликни таъминлаш мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири экани белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, эҳтиёжманд талабаларнинг таълим олиши, ўз устида ишлаши учун муқим ва қулай бошпанага эга бўлиш ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олиб, талабалар турар жойларини жадал суръатда кўпайтиришга урғу бермоқда. Бу мақсадни амалга оширишда хусусий сектор иштирокини муҳим, деб билмоқда.

Аниқроқ айтганда, ХДПнинг талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича олий ўқув юртларига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва хусусий ётоқхоналар тизимини яратиш таклифи талаба-ёшлар сони йил сайин сезиларли даражада ошиб бораётган бир пайтда энг мақбул ечимлардан ҳисобланади.

Тўғри, бу йўналишда ёшларимиз манфаатига хизмат қилувчи тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, ётоқхона билан қамраб олинмаган, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериляпти. Юқорида таъкидлаганимдек, талабалар турар жойларини қуриш лойиҳалари амалга ошириляпти. Лекин ҳануз узоқ қишлоқдан келган талабалар ишончли ва тайинли бошпана масаласида муаммолар билан тўқнаш келаётгани ҳам ҳақиқат.

Талабалар турар жойларини қуришда соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунинг учун ер ажратишдаги жараённи соддалаштириш, аукционларсиз ер ажратиш тизимини жорий қилиш лозим. Бу эса олийжаноб мақсадга – салоҳиятли, юрт ва миллат тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган, халқаро меҳнат бозорида рақобатдош ёш кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

# ЭҲТИЁЖМАНД ИНСОНЛАРГА МАДАД



**ДУЙСЕНБАЕВ Олимжон,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

-Биламизки, Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат мезонларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини ҳамда давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди.

Партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуридан айнан ушбу тамойиллар негизида 150 дан ортиқ таклифлар ўрин олган. Кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантириш ғоясини бунга яққол мисол қилиб келтириш мумкин.

Ижтимоий дўконлар - бу жаҳон тажрибасида оммалашиб бораётган амалиёт. Масалан, АҚШда мазкур йўналишда Goodwill энг машҳур дўконлар тармоғи саналади. Бу мамлакатда ҳар бир Goodwill дўкони ёнида, албатта, 5-6 та хайрия қутиси бўлиб, ҳар доим бу қутилар тўлиб-тошиб турганини кўриш мумкин. Goodwill тармоғи Америка ҳукумати томонидан солиқ имтиёзлари билан қўллаб-қувватланадики, бунинг ортида эҳтиёжманд инсонларга кўмаклашиш, уларнинг кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиб олиши учун имконият яратиш мақсади турибди.

Бизда ҳам мана шундай турдаги дўконларга эҳтиёж бор. Инсонлар турфа хил бўлгани каби ҳар бир оиланинг моддий-иқтисодий аҳволи турличадир. Шу маънода ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз аёллар, ногиронлиги бор фарзандларни тарбиялаётган оилалар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар учун ижтимоий дўконларни кўпайтириш керак.

Қолаверса, партиямиз аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу соҳада давлат иштирокини кучайтиришни, давлат иштирокидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишни ҳам таклиф этади.

Бу таклиф дунё миқёсида тобора долзарб бўлиб бораётган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида янги қадамларни қўйишга, шу орқали жамият ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

# ОДИЛ ВА МУСТАҚИЛ СУДЛАР — ДАВР ТАЛАБИ





**МУРАТОВА Дилноза**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

**Ҳуқуқий давлатчиликнинг энг асосий шартларидан бири, сўзсиз унда қонун устуворлигининг таъминланганилигидир. Бунда судларнинг мустақиллиги, судлов жараёнининг холислиги муҳим, албатта.**

**Биз судларнинг мустақиллиги таъминланмасдан, судлов жараёнларининг холислиги кафолатланмасдан туриб ижтимоий адолатга эришиб бўлмайди, деб биламиз.**

Шу сабабдан Халқ демократик партияси ўзининг Сайловолди дастурларида бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб келади. Бу йилги дастуримизда ҳам судлар фаолиятига тааллуқли долзаб ташаббуслар ўрин олган.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий этилиши демократик тамойилларни мустаҳкамлашга, суд жараёнларининг холислиги ва адолатлилигини оширишга, коррупция хавфини камайтиришга ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини оширишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус миллий ҳуқуқий тизимни халқаро стандартлар ва амалиётлар билан уйғунлаштиришда ҳам ёрдам беради.

Ҳакамлар ҳайъати институти демократиянинг муҳим элементи бўлган фуқароларнинг суд жараёнида фаол иштирок этиш ғоясига асосланади. Жамият вакили бўлган судьялар суд қарорларида жамият қадриятлари ва меъёрларини акс эттиришини таъминлашга ёрдам беради. Ҳакамлар ҳайъати ишларни кўриб чиқишда янада мустақил ва холис ёндашувни таъминлаши мумкин, чунки улар давлат органлари билан боғлиқ эмас. Бир сўз билан айтганда, бу институт демократик тамойилларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд жараёнининг холислигини оширишга ҳам ёрдам беради. Сабаби, ҳакамлар ҳайъати ишни биргаликда кўриб чиқади, бу эса судьялар ёки халқ маслаҳатчилари якка ўзи қарор қабул қилганда юзага келиши мумкин бўлган тарафкашлик ёки хатолик эҳтимолини камайтиради. Ҳакамлар ҳайъати институти жараённинг барча иштирокчиларининг қонун олдида тенглигини таъминлашга ёрдам беради, чунки қарор фуқароларнинг мустақил гуруҳи томонидан муҳокама ва овоз бериш асосида қабул қилинади.

Ҳакамлар ҳайъати институтини халқ маслаҳатчилари билан таққослайдиган бўлсак, халқ маслаҳатчилари одатда камроқ мустақил бўлишади, чунки улар судьялар билан биргаликда ишлайди ва уларнинг таъсирига тушиши мумкин. Ҳакамлар ҳайъати маслаҳатлашувда профессионал судья иштирокисиз мустақил равишда қарор қабул қилади. Халқ маслаҳатчилари маълум муддатга сайлангани ва тажриба орттириши сабабли судда ишлашга яхшироқ тайёрланган бўлиши мумкин. Бироқ, бу ҳам судьялар ва тизимга қарамликка олиб келиши мумкин. Ҳакамлар ҳайъати, эса аксинча, маълум бир иш учун тасодифий танланади, бу эса уларга таъсир қилиш имкониятини минималлаштиради.

Хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Америка Қўшма Штатлари ҳакамлар ҳайъатидан муваффақиятли фойдаланишнинг ёрқин намунаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ушбу институт АҚШ ҳуқуқ тизимининг муҳим қисми ҳисобланади ва фуқароларнинг суд қарорларига юқори даражадаги ишончини таъминлайди.

Буюк Британияда ҳам ҳакамлар ҳайъати институти кенг қўлланади. Бу ерда ҳакамлар ҳайъати асосан жиноий ишларда қатнашади. Худди АҚШдаги каби 12 фуқаро ҳакамлар ҳайъати таркибига киритилган. Германияда ҳакамлар ҳайъати институти фақат жиноий ишларда иштирок этади. Бу ерда ҳакамлар ҳайъати 3 судья ва 2 фуқаролардан иборат бўлиб, биргаликда ишни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади. Японияда ҳакамлар ҳайъати институти 2009 йили жорий этилган. Кунчиқар давлатда ҳакамлар ҳайъати 6 фуқаро ва 3 судьялардан иборат.

Суд тизимида ҳакамлар ҳайъати институтининг жорий этилиши фуқароларнинг суд жараёнидаги иштирокини таъминлаб, суд қарорларининг адолатлилиги ва шаффофлигини оширади. Турли мамлакатлардаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳакамлар ҳайъати институти суд тизимининг муҳим қисми бўлиб, адолатли судловни таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кейинги йилларда долзарб аҳамият касб этмоқда. Жараёнда илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва қўллаш орқали суд қарорларининг адолатли ва инсонпарварлигини таъминлаш йўналишида муайян натижаларга эришилмоқда. Галдаги вазифалар шу натижаларни мустаҳкамлаб, ҳакамлар ҳайъати институтини жорий этиш орқали суд тизими такомиллашувига ҳисса қўшишга қаратилган.

Шунингдек, дастуримизда вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларининг ҳар йили ротация қилиш амалиётини жорий этиш масаласи ҳам ўрин олган.

Вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларининг ҳар йили ротация қилиш амалиётининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимининг мустақиллиги, шаффофлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини беради. Бу коррупция хавфини камайтириш, судьяларнинг касбий маҳоратини ошириш ва аҳолининг одил судловга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳудудий суд раислари катта мавқега эга. Шу боис тайинлаганидан кейин улар билан турли восита ва шахслар орқали танишиб, яқин муносабатлар ўрнатишга интилиш, албатта, кузатилади. Бундай қизиқишни, биринчи навбатда, маҳаллий амалдорлар ва тадбиркорлар билдиради. Судья ҳам тошдан яралмаган, инсоний муносабатлар ўрнатишга у ҳам хайрихоҳлик билдириши мумкин. Бироқ бундай чуқур дўстона муносабатлар кейинчалик иш жараёнининг адолатли ва холисона ўтишига жиддий путур етказиши мумкин. Одатда қалин муносабатлар ўрнатиш, ўзаро келишиб, коррупциявий схема ўрнатиш анча вақт талаб қилади. Аниқки, бир йилда судьяларнинг заиф нуқталарини аниқлаш, муайян масалаларда келишувга эришиш жуда мушкул вазифа. Чунки томонлар бир-бирини синовдан ўтказиши учун бир неча йиллар зарур бўлади.

Суд раисларининг алмаштирилиши судьялар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида барқарор норасмий алоқаларни шакллантириш хавфини, шунингдек, коррупция эҳтимолини камайтиради. Суд раҳбариятидаги доимий ўзгаришлар коррупцион тармоқларни яратиш ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишни қийинлаштириши табиий.

Бу амалиётнинг жорий этилиши судьяларга нисбатан босимни ҳам камайтиради. Суд раисларининг тез-тез ўзгариши уларга маҳаллий ҳокимият ёки бошқа нуфузли шахсларнинг таъсирини камайтиради, бу эса суд ҳокимияти мустақиллигини оширишга ёрдам беради.

Ротация амалиёти суд раислари фаолиятини ва уларнинг юқори меҳнат стандартларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш имконини беради. Бу эса судлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Суд раисларининг тез-тез ўзгариб туриши ички назорат ва ўз-ўзини тартибга солишни кучайтиришга ёрдам беради, чунки ҳар бир янги раҳбар суд фаолиятининг юқори даражасини сақлаб қолишга интилади.

Икки киши орасида адолатли ҳукм чиқариш ҳамма даврда энг оғир ва масъулиятли вазифа бўлиб келган. Замонавий дунёда ҳам бу соҳанинг моҳияти кўп ўзгаргани, аҳамияти пасайгани йўқ. Аксинча, халқ сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиши суд тизими зиммасидаги масъулият ҳиссини юз баробар оширди. Вилоят, туман (шаҳар) суд раисларини ҳар йили ротация қилиш амалиётини жорий этиш мана шу масъулиятни оқлаш доирасидаги муҳим вазифалардан. Елкасида таниш-билишларидан қарздорлик ҳамда мажбурият юки бўлмаган, ташқи босимлардан холи судья адолатли қарор чиқаришига ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди. Мазкур ротация амалиёти бу борада катта кўмак бўлиши шубҳасиз.

# ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК



**АБДУРАХИМОВ Хушнудбек ,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

**8-округ, Андижон**

-Халқ демократик партияси йиллар давомида мамлакат ҳаётига тааллуқли ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратиб, унинг моҳиятига чуқур кириб бориб, ечимига қаратилган ғоя-таклифларни ишлаб чиқади. Жумладан, Сайловолди дастуримизда ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарувни амалга ошириш йўналишида кўплаб ташаббуслар ўрин олган.

Бугун дунё сиёсатида мафкуралар, фикрлар ва қарашлар ўртасида кураш кетаётган бир пайтда мамлакатнинг ички сиёсатида ўзаро келишув, кенгашиш ва маслаҳатлашиш асосида қарорлар қабул қилиш жуда долзарб масаладир. Шу пайтгача халқаро доираларда турли мулоқотлар, музокаралар олиб борилган. Уларда томонлар ўртасида сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида ҳамкорликнинг фойдаланилмаган салмоқли салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш сингари мавзуларда муҳокамалар ўтказилган, келишувларга эришилган. Эътиборлиси, бундай келишилган мулоқотлар самараси узоқ йилларга мўлжалланган.

Партиямиз Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги бундай усул ички сиёсатда ҳам амалиётга жорий этилиши керак, деган тўхтамга келган. Зеро, ХДПнинг бош мақсади Конституцияда белгиланган ижтимоий давлатни тезроқ қуриш, унинг талабларини ҳаётга кечиктирмасдан татбиқ этишдан иборат.

Табиийки, бунинг ўзига хос бир қанча талаблари бор. Масалан, ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш мазкур масалада муҳим қадамлардан саналади. Гап шундаки, сиёсий маслаҳатлашувлар демократик жараёнларни такомиллаштириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасида устувор аҳамиятга эга. Айниқса, бу ижтимоий давлат қуриш йўлидаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлса, партиямиз учун янада юқори ўринга кўтарилади.

Партиямиз фикрича, сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ижтимоий масалаларни ҳал қилишда янада кенгроқ ва мувозанатли ёндашувни таъминлайди. Шу билан бирга, бир томонлама қарорлар қабул қилинишидан қочишга ёрдам беради. Давлат бошқарувида эса ошкоралик ва масъулиятни оширади. Муҳими, бу борадаги таклифимиз бир томонлама ёки фақатгина партиямиз ғояларига хизмат қиладиган ташаббус эмас. Зеро, биз билдираётган таклиф амалга ошса, сиёсий партияларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш йўлга қўйилса, бу нафақат ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, балки фуқароларнинг давлат институтларига ишончини мустаҳкамлаш, адолатли ва мувозанатли жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Биз бугун ташаббус сифатида илгари сруатёган ғоя айрим мамлакатларда аллақачон катта йўлни босиб ўтган ва кенг қўлланилаётган механизмга айланган. Хорижий тажрибага кўра, кўплаб давлатларда ижтимоий аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш учун ҳокимият ва сиёсий партиялар ўртасидаги маслаҳатлашув механизмларидан муваффақиятли фойдаланилади.

Бу борада Швеция тажрибасига назар ташлаш мумкин. Масалан, ушбу мамлакатда “сиёсий маслаҳатлашувлар” тизими мавжуд. Унда ҳукумат асосий ижтимоий ва иқтисодий ташаббусларни ишлаб чиқишда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилади. Натижада биз юқорида таъкидлаган ўзаро келишув, яъни, мувозанат юзага келади.

Канадада эса турли партиялар ва манфаатдор томонлар вакилларини ўз ичига олган “маслаҳат қўмиталари” амалиёти йўлга қўйилган. Ушбу қўмиталар соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳаларда сиёсатни ишлаб чиқиш, мутахассислар фикри ва экспертизаларни тақдим этиш бўйича иш олиб боради. Демак, жамият ва мамлакат тақдирига боғлиқ бўлган иккита энг муҳим ижтимоий тизим айнан сиёсий маслаҳатлашув усули орқали фаолият олиб боради ва ўз ишини шунга мос равишда такомиллаштиради.

Бундан кўринадики, ҳукуматнинг жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан мулоқоти жамиятда барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, юзага келадиган муаммоларни келишган ҳолда ҳал қилишга, ўз навбатида, тараққиётга хизмат қилади.






# КОММУНАЛ ХИЗМАТ: ТИЗИМ ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРГА МУҲТОЖ



53-округ, Фарғона

**КАДЫРОВА Нигора,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

— XXI асрда коммунал соҳа аҳолининг кайфиятига, ҳаётга муносабатига катта таъсир кўрсатмоқда. Коммунал хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида бўлиши инсонлар ҳаёт тарзини осонлаштиради.

Айтиш керакки, ўрганиш ва таҳлиллар мамлакатимизда бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, уй-жой-коммунал соҳасини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш зарурлигини кўрсатмоқда. Сўнгги пайтларда ҳамюртларимизнинг коммунал хизматлар қимматлашишидан хавотирлари ошганини кузатиш мумкин. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри аҳолиси мурожаатларининг ярми айнан шу масалага дахлдор экан.

Албатта, тизимда барқарорликни таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, нархлар ва тарифларни тартибга солиш учун соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Боз устига ресурсларининг чегараланганлиги, уларнинг камайиши тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш чораларини кўриш заруратини ҳам юзага келтирмоқда.

Шу нуқтаи назардан Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархлари ва тарифларни белгилашни тартибга солишни, бунинг учун “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни таклиф этмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши коммунал хизматларни бошқариш ва тарифларни белгилашда шаффофлик, адолатлилик ва самарадорликни таъминлайдиган ҳуқуқий базани яратишга хизмат қилиши билан бирга яна қуйидаги функцияларни ҳам бажаради:

– қонун хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва истеъмолчилар ўртасидаги низоларни ҳал қилади;

– коммунал хизматлар тарифларини тартибга солишнинг аниқ қоидалар ва тартибларини белгилаш имконини беради, бу эса уларни шакллантиришда шаффофликни оширади ва тарифларнинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олади. Шунингдек, қонун хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг давлат ва назорат органлари олдида ҳисобдорлигини таъминлайди;

– кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги фуқаролар учун субсидиялар ёки имтиёзлар механизмларини назарда тутиш мумкин бўлади. Бу аҳолининг барча қатламлари учун ушбу хизматлардан фойдаланишга ёрдам беради;

– тартибга солинадиган тарифларни жорий этиш энергия тежайдиган технологияларни ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириши мумкин, бу эса экологик барқарорликка ҳисса қўшади.

Умуман, электр, газ, сув, иссиқлик, чиқинди, «квартплата» билан боғлиқ аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган барча муаммолар нархлар ва тарифларни тартибга солишга боғлиқ. Тизимнинг қонунчилик асослари мустаҳкам бўлмас экан, муаммолар тугамайди. Чунки бу масалада кўпдан-кўп қарорларимиз шароитни яхши ўрганмасдан, аввалдан ҳисоб-китоби олинмай қабул қилинган. Демак, ҳуқуқий базани такомиллаштириш вақти аллақачон келган.

Бу соҳада ишлаб чиқиладиган янги қонун ҳужжатлари юқоридаги муаммолар билан бирга, коммунал соҳага замонавий технологияларни киритишни янада жадаллаштириш, коммунал хўжалиги хизматларини ташкил этишда, коммунал хизматлар нархларининг ўзгариши, хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ундирилиши борасидаги бўшлиқларни самарали ҳал этиши керак.

Истаймизми-йўқми, келаётган яқин йилларда сув, тоза ичимлик суви бутун дунёда долзарблашади. Аҳоли сонининг ортиши билан коммунал, яшаш эҳтиёжлари учун сув истеъмоли фақат ортиб боради. Иссиқлик энергияси масаласига қайтадиган бўлсак, уйларда иссиқлик энергиясининг ўртача истеъмоли учун катта газ ва электр захираси талаб қилинади. Нархлар ва тарифларни одамлар учун ҳам, давлат манфаатлари учун ҳам мувофиқлаштириш соҳа ривожи учун катта даъват ва улкан имконият, деб биламиз.

Мамлакатимиз аҳолиси муносиб шароитда яшаши учун давр талабларига мос равишда шарт-шароитлар яратиш ҳақида сўз борар экан, ушбу мақсад йўлида сўнгги йилларда шаҳарсозлик ишлари бир қадар жадаллашганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айниқса, қурилиш ишлари, хусусан, уй-жой қуриш 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлига ўтгани аҳолининг турар жойга эҳтиёжини тўлақонли қондиришга, соҳада рақобат муҳитини юзага келтиришга хизмат қилмоқда. Бугун деярли ҳар қадамда бунёдкорлик амалга оширилаётгани, айниқса, замонавий инфратузилмага эга кўп қаватли уй-жойлардан иборат янги массивларнинг пайдо бўлаётганида хусусий пудрат ташкилотларнинг ўрни ва роли катта. Ҳозирда Ўзбекистонда урбанизация даражаси 51 фоизга етгани, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшаётгани – бу ўз-ўзидан бўлган жараён эмас. Ваҳолонки, 2018 йилда урбанизация кўрсаткичи 40 фоизга ҳам етмаган.

Шаҳарсозликни ривожлантиришда, кўп хонадонли уй-жойлар барпо этишда салоҳиятли, бой тажрибага эга хусусий пудрат ташкилотлари сафи оз эмаслигини қайд этган ҳолда Халқ демократик партияси фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.

Бунда йирик қурилиш компаниялардан мажбурий ажратмалар эвазига махсус жамғарма ташкил этиб, ижтимоий уй-жойлар қуришни йўлга қўйиш таклифини илгари сурмоқда.

Ушбу ташаббус ижтимоий уй-жойларни қуришни молиялаштиришнинг мавжуд механизмларига альтернатив ёки қўшимча сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Жамғарма маблағлари кўп болали оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва ёш оилалар каби энг заиф тоифадаги фуқаролар учун арзон уй-жой қуришга ишлатилади. Бу эса ушбу қатлам вакилларининг уй-жой шароитларини яхшилашга, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради.

Қолаверса, махсус жамғарманинг ташкил этилиши фақат ижтимоий уй-жой қурилиши учун маблағларни мақсадли йиғиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Бу эса харажатлар самарадорлигини оширади ва аниқ ижтимоий мақсадларга эришишга кўмаклашади.

Ҳар бир йирик қурилиш компаниясидан ўзининг мажбурий бадалларини бошқаришни талаб қилиш ўрнига, жамғарма маблағларни йиғиш ва тақсимлашни марказлаштириши, процедураларни соддалаштириши ва маъмурий харажатларни камайтириши мумкин. Жамғарма ижтимоий уй-жой лойиҳалари учун ягона стандартлар ва талабларни белгилаши, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига мувофиқлигини таъминлаши мумкин.

Шуниси аниқки, яшашида ва уй-жой масаласида ҳаловати бўлмаган инсон ўзини бахтли ҳис этмаслигидан ташқари ҳеч бир соҳада ёки ишда муваффақиятга эриша олмайди.

Биз аҳолининг коммунал ва уй-жой масалалари билан боғлиқ оғриқли муаммоларини бартараф этишни кечиктирмасликни, бу борада эҳтиёжманд инсонларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни лозим, деб ҳисоблаймиз




# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ БЎЛИШИ КЕРАК



75-округ, Тошкент шаҳри

**АБДУКАРИМОВА Саида,**
***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:***

**— АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ҲИСОБЛАНАДИ. ЙЎЛЛАР РАВОН ВА ТЕКИС БЎЛСА, КЎЗЛАНГАН МАНЗИЛГА БЕХАВОТИР, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ ҲОЛДА ЕТИБ БОРАМИЗ. РАВОН ЙЎЛЛАРДАН ЮРГАН АВТОУЛОВЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИГИ ҲАМ ОРТИБ, ТЕХНИК НОСОЗЛИКЛАРГА УЧРАШ ҲОЛАТЛАРИ, ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ СОНИ КЕСКИН КАМАЯДИ.**

Шунинг учун йўлларни қуришга, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга эҳтиёж кўп бўлади. Кузатувлар кўрсатмоқдаки, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлашга давлат бюджетидан ажратмалар йилдан-йилга ошиб бормоқда ва ҳозирги пайтда энг кўп пул сарфланаётган соҳа айнан йўл қурилиши соҳасидир. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Чунки ҳар биримиз манзилларга хотиржам ва хавфсиз етиб олишимиз учун йўллар текис, асфальтланган бўлиши зарур. Текис ва асфальт йўллар ҳаммага керак. Йўлларда ҳаракатланганда таъмирланаётган йўлларга тез-тез гувоҳ бўламиз. Бугун биз йўлларнинг таъмирланиши, сифатсиз йўллар бўйича тез-тез мурожаатлар бўлиши ҳақида узоқ тўхталмоқчи эмасмиз.

Аксарият ҳолларда йўлнинг қатнов қисми кавлангани ёки йўл таъмирланаётгани ҳақида ҳеч қандай огоҳлантирувчи белгилар қўйилмаслиги ёки автомобил йўлларида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари охирига етказилмай қолиб кетиши, йўл-қурувчиларнинг зиммаларидаги мажбурият ва хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслигига эътиборни қаратмоқчимиз. Чунки бунинг натижасида йўл транспорт ҳодисалари келиб чиқмоқда, одамлар вафот этмоқда.

Ўрганишларга кўра, автомобил йўлларини таъмирлаш ишлари олиб борилаётган, бу ишлар охирига етказилмасдан қолиб кетган ҳамда таъмирланиши лозим бўлган жойлар авариялари келтириб чиқаради.

Шуларни инобатга олиб, Халқ демократик партияси йўллардаги таъмирлаш ишлари ва уларнинг давомийлиги ҳақида камида 10 кун олдин ушбу ҳудудда ҳамда Интернет тармоғида эълон жойлаштириш орқали фуқароларни хабардор қилиш тизимини қатъий ўрнатиш керак, деган таклиф билан чиқмоқда.

Биз мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларида ҳам йўллар ҳолати ва инфратузилмасини яхшилаш йўналишида йўл белгилари қўйилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Мана шунинг ўзи ҳам бугунги кунда йўл назорати тизимини ташкил қилиш давр талаби эканини кўрсатмоқда.

Катта, кенг ва равон йўллар бўйлаб ҳаракатланаётган авто уловлар эгаларига доимо йўл белгиларининг кўриниб туриши ва созлиги муҳим аҳамият касб этади. Лекин айрим кўчалардаги йўл белгиларининг абгор аҳволию, пиёдалар йўлакларининг тушунарсиз ифодаси камайгани йўқ. Айниқса, совуқлар ва қор-қировли кунлар магистрал ва ички йўллар, йўл инфраструктура тузилмалари ва йўл белгиларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун биз қайси ҳудудда йўл таъмирланаётган бўлса, бундан ўша ҳудуддаги аҳоли 10 кун олдин хабардор қилиниши ёки ижтимоий тармоқларда бу ҳақида эълон жойлаштирилиши керак, деб ўйлаймиз.

Йўлларнинг қулай ва равон бўлиши одамларимиз хотиржамлиги ва хавфсизлигининг муҳим омилидир!



# НОМЗОДЛАРИМИЗ САЙЛОВЧИЛАР НИГОҲИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВЛАР ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА. УЧРАШУВЛАРДА ПАРТИЯ НОМЗОДЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ПАРТИЯ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТУШУНТИРИБ БОРМОҚДА. БУ ТАДБИРЛАР ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎЗ ДАСТУР ВА НОМЗОДЛАРИНИ САЙЛОВЧИЛАРГА ТАНИШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН БЎЛСА, САЙЛОВЧИЛАРГА ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ, ҒОЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИНИ БЕРИБ, БЎЛАЖАК САЙЛОВДА ҚАЙСИ НОМЗОД ВА ҒОЯГА ОВОЗ БЕРИШ БОРАСИДА БИР ҚАРОРГА КЕЛИШИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ. ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТАЁТГАН БУНДАЙ УЧРАШУВЛАР ЙИҒИЛГАНЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА.**














Халқ демократик партиясининг шундай учрашувларидан бири Бухоро вилоятининг Бухоро туманида бўлди.

Мулоқотда сайловчиларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслар мазмун-моҳияти аниқ мисоллар билан сўзлаб берилди.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Касби туман Кенгашларига кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви ташкил этилди.

Учрашув тадбирини Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши раиси С.Хамроев очди. Иштирокчиларга партиянинг 15 та стратегик қадамдан иборат Сайловолди дастурида белгиланган таълим ва тиббиёт йўналишидаги ташаббусларнинг мазмунига чуқур тўхталиб ўтилди. Сайловчилар томонидан берилган саволларга ҳам бирма-бир жавоб берилди.

Тадбир якунида йиғилганлар сайловда фаол бўлишга, Халқ демократик партияси ва номзодларига овоз беришга чақирилди.

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида жорий йилги сайловларда биринчи марта овоз берадиган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Халқ демократик партияси фаоллари ёшларга Сайловолди дастуридан ёшлар сиёсатига тегишли бўлган бандларини атрофлича тушунтириб беришди.

Бундан ташқари, ёшларга сайловларнинг мамлакат учун аҳамияти, сайловчи маданияти ҳақида тушунтиришлар олиб борилиб, сайловда фаол бўлишга чақирилди.

## ҲАР БИР ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ УЧУН!

Шароф Рашидов туманида ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатликка кўрсатилган номзод Феруза Қулиева ва вилоят Кенгашига номзодлар О.Бобомуродов ҳамда Нуриддин Холматовлар сайловчилар билан учрашди.

Тадбирда партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга оид кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Йиғилганлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил қилгани учун улардан партия аёлларни қўллаб-қувватлаш учун қандй таклифларни илгари сураётгани ҳақидаги савол янгради. Номзодлар дастурдан ўрин олган аёллар борасидаги таклифларни аниқ ечимлари билан айтиб ўтишди.

Уларга таклифлар маъқул келганини таъкидлашиб, бўлажак сайловда Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашини маълум қилишди.

Бухоро вилоатининг Қоровулбозор туманидаги Маданият саройи биноси мажлислар залида ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодларни кенг тарғиб этишга қаратилган учрашув бўлиб ўтди.

Сўзга чиқган номзод Г.Нарзиева Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслар мазмун-моҳиятини аниқ мисоллар билан тушунтирди.

Сайловда фаол бўлиш ҳамда Халқ демократик партияси номзодлари, унинг дастури ва партияга овоз беришга чақирдилар.

Шундан сўнг, сўзга чиққан иштирокчилар партия ва номзодларимизни қўллаб-қувватлаб, ўз фикр-мулоҳазарини билдирдилар

## МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

Ёшлар билан учрашувлар Бухоро вилоятида ҳам ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказилиши муносабати билан Бухоро шаҳридаги Бухоро Давлат тиббиёт институтида 1 босқич талабалари ва Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш сектори бўлим бошлиғи билан ҳамкорликда “Менинг биринчи сайловим” мавзусида суҳбат ўтказилди.

Давра суҳбатида 100 нафарга яқин биринчи марта сайловда иштирок этиши мумкин бўлган ёшлар иштирок этишди. Ёш талабаларга сайлов жараёнида фуқаролар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши учун шароит яратилгани, тенглик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига қатъий амал қилинишига эътибор қаратилиши таъкидланди.

Номзодларимиз йиғилганларга партия Сайловолди дастуридаги асосий жиҳатларни оддий, халқчил тилда гапириб бердилар.

Вилоятнинг Ромитан туманидаги Ахборот-кутубхона маркази мажлислар залида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодларни кенг тарғиб этишга қаратилган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда партиядан кўрсатилган барча номзодлар иштирок этди. Мулоқотда “Ижтимоий тенглик тарафдоримиз” шиорини ўзида мужассам этган партия мақсадлари аниқ вазифалар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслар мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан иштирокчилар партия ва номзодларимизни қўллаб-қувватлаб, ўз фикр-мулоҳазарини билдирдилар.

## ТАРҒИБОТ ЖАРАЁНЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шофиркон туман Кенгаши томонидан 14-Саврак сайлов округидан кўрсатилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадоев билан "Тинчлик" ва А.Навоий маҳалла фуқаролар










йиғинларида сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда “Биз фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиш, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз” шиорини ўзида мужассам этган партия мақсадлари аниқ вазифалар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Аёллар билан мулоқотлар Тошкент вилоятида ҳам ўтказилди. Тошкент вилояти кенгаши томонидан Чирчиқ шаҳар 3-сонли оилавий поликлиникада фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан сайловолди тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбир иштирокчиларига бу йилги сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари ҳақида тушунчалар берилди. Учрашув сўнггида хотин-қизлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоблар берилди ва уларни Ўзбекистон Халқ демократик партиясига овоз беришларига чақирилди.

**“ ЎТГАН ҲАФТА ДАВОМИДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ОЧИҚ ВА ЭРКИН МУЛОҚОТ ОЛИБ БОРИЛДИ. НОМЗОДЛАР ЎЗ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРЛАРИНИ ОММАГА НАМОЙИШ ЭТИШДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, БУНДАЙ ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ҲАР ДОИМ САМИМИЙ ВА КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТАДИ. ЧУНКИ САЙЛОВЧИЛАРГА ОЧИҚЛИК, ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР МАНЗУР КЕЛАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА УЧРАШУВЛАРДА САЙЛОВЧИЛАРНИ САЙЛОВДА ФАОЛ БЎЛИШГА ЧАҚИРИЛДИ.**

## РЕЖА, ҲАРАКАТ, НАТИЖА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар иштирокида Талимаржон шаҳарчасидаги маданият саройида сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда номзодлар партиянинг бу йилги Сайловолди дастури 10 та йўналишда 15 та стратегик қадамдан иборат устувор мақсадлар мазмун-моҳиятини сайловчиларга таништиришди. Шундан сўнг номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан ҳам таништиришди.

Партиянинг дастурий мақсадлари, табиийки, келгуси беш йилга мўлжалланган Сайловолди дастуридаги 150 дан ортиқ ташаббусларнинг мазмун-моҳияти тадбирда очиб берилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, жумладан, кексаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ролини ошириш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни давр талаблари асосида ривожлантириш билан боғлиқ таклиф-ғояларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида пенсия таъминотини такомиллаштириш учун халқчил ғояларни таклиф қилаётгани эътирофга лойиқлиги таъкидланди. Учрашувда иштирокчилар Халқ демократик партиясидан кўрсатилаётган номзодларнинг дастури юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳар ёшлар хиёбонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Ш.Намозова сайловчилар билан учрашди. Тадбирда партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга оид кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Партия ўз дастурий мақсадларга эришиш йўлида кейинги беш йиллик учун 10 та йўналиш, 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифалар белгилаб олингани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир доирасида сайловчилар учун концерт дастури тақдим этилди ҳамда сайловчилар ўртасида викторина ўйинлари ўтказилиб, партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида юртдошларимизни сайловларда фаол иштирок этишга чақирилди.

## ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР

Андижон вилоятида номзодларнинг учрашувлари ҳам давом этмоқда. Вилоятнинг Бўстон туманидаги 20-қишлоқ оилавий шифохонасида маҳалла аҳолиси иштирокида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тумандан номзоди кўрсатилган Абдурахимов Хушнутбек, вилоят кенгашига номзод Тўйчиева Матлубахон ҳамда туман Кенгашига номзоди кўрсатилган Нишонов Муродуллолар Сайловолди дастури ҳамда ўзларининг ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш юзасидан ижтимоий дастурлари ҳақида иштирокчиларга тушунчалар беришди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Е.В.Бабенко ҳамда унинг вилоятдаги ёрдамчиси Б.У.Қурбоновлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўтган беш йил давомида халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинган қонунлар ҳамда Сайловолди дастури ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Маърифат" МФЙда номзодларнинг сайловчилар билан сайловолди тарғибот тадбири ташкил этилди. Тадбирда партиянинг янги Сайловолди дастури, номзодлар таништирилди. Учрашувга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси А.Умаралиев бошчилик қилди. Номзодлар ўзларининг сайловолди дастурлари билан сайловчиларни таништирдилар. Ўз навбатида сайловчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тадбир якунида сайловчилардан сайловда фаол бўлишга ҳамда Халқ демократик партияси номзодларига овоз беришга чақирилди.


Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт техникумида партиямиз номзодларининг Сайловолди ташвиқот тадбири бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Дилбархон Мамаджанова ва вилоят Кенгаши маъсул ходимлари иштирок этди.

Дилбархон Мамаджанова партиянинг Сайловолди дастурида бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва келгусида 3 – 6 ёшдаги болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олиш, мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш партиянинг бу йилги сайловларида асосий ғояларидан бири эканлиги тушунтирилди.

Ўтган ҳафта давомида республикамизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан очиқ ва эркин мулоқот олиб борилди. Номзодлар ўз Сайловолди дастурларини оммага намойиш этишди. Бир сўз билан айтганда, бундай очиқ мулоқотлар ҳар доим самимий ва кўтаринки руҳда ўтади. Чунки сайловчиларга очиқлик, юзма-юз учрашувлар манзур келади. Шу билан бирга учрашувларда сайловчиларни сайловда фаол бўлишга чақирилди.





# Инсон қадри устувор

**Ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ва жамият тараққиётнинг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунларидан биридир. Жамиятдаги турли қатлам ўртасида тенгликни таъминлаш, шу орқали ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни қарор топтириш пировардида одамларни рози қилиш, айни пайтда кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини оширади.**

**Социолог-олимлар ижтимоий сиёсатни тарихий феномен сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган, деган қарашни илгари сурсалар-да, олис мозий инсоният тамаддунида ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этишда иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа таъсир механизмларини амалда қўллаган давлатлар ҳамда ҳукмдорларнинг сафи оз бўлмаганидан далолат беради. Зотан, соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат ва халқ бошқарувида "Куч - адолатда" деган тамойилни илгари сургани ҳамда бу ўз даврида Моваруннаҳрдек қудратли давлатни барпо этишида дастуруламал бўлгани тарихдан маълум.**

## КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚ

Ҳар қандай давлат ва жамиятда шундай қатлам вакиллари борки, уларни қашшоқликдан ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун ҳукумат томонидан зарур ёрдамлар кўрсатилиши шарт ва бу ижтимоий адолат тамойилигига хизмат қилади. Улар пенсия ва нафақа олувчилардир.

Ўтган йили янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 46-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани қатъий белгилаб қўйилди. Бу давлат ўз фаолиятини амалга оширишда ижтимоий адолат тамойилига содиқлиги ва собитлигини яна бир карра намоён этиши баробарида ижтимоий ислоҳотчи




сифатида барча фуқароларнинг –миллати, дини, тили ва ижтимоий мақеидан қатъи назар ҳуқуқ-манфаатлари тенглигини кафолатлашини англатади. Бинобарин, ўтган йилларда, айниқса, сўнгги саккиз йилда эркин бозор иқтисодиёти шароитида кучли ижтимоий сиёсатга устувор эътибор қаратилиши жамиятимиз ҳаётида турли қатлам ўртасидаги манфаатлар номутаносиблигини бартараф этишда ҳал қилувчи омил бўлиб келмоқда. Ўз навбатида аҳолининг эҳтиёжманд вакиллари манфаатларини, конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, турмуш шароитларини янада яхшилаш ва уларни қашшоқликдан ҳимоялашга хизмат қилаётир. Буни пенсия ва нафақа олувчиларнинг ижтимоий таъминоти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумот учун. Мамлакатимизда шу йилнинг 1 июнь ҳолатига Пенсия жамғармасидан нафақа олувчилар сони 4 миллион 8 минг 597 нафарга етди. Жумладан, январь-май ойларида янги нафақа тайинланган фуқаролар 124 минг 184 нафарни ташкил этди. Уларнинг 102 минг 610 нафари ёшга доир, 14 минг 388 нафари ногиронлик ва 7 минг 186 оила боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчилар ҳисобланади.

## ТАРИХГА НАЗАР ВА БУГУНГИ КУН

Бугун дунёнинг қарийб барча давлатларида кекса ёшдагиларга пенсия тўланади ва турли давлатларда пенсияга чиқиш ёши турличадир. Аҳамиятлиси, аксарият ўлкаларда аёллар ва эркакларнинг пенсия ёши ўзаро фарқ қилиб, аёллар эркаклардан олдинроқ пенсияга чиқадилар.

Тарихга назар ташласак, нафақа тўлаш илк бор Рим империясида Юлий Цезарь томонидан жорий қилинган. Ўрта асрларда пенсия биринчи марта 1673 йил Францияда ҳарбий денгиз флоти зобитларига тўланган. 1825 йилда Пруссияда давлат амалдорларига пенсия тўлаш учун илк пенсия фонди тузилди.

Оммавий тарзда барчага пенсия тўлаш тартиби Германияда 1889 йилдан бошланган. Кейинчалик бу тартиб Европанинг бошқа давлатларида ҳам йўлга қўйилади.

Илк пенсиялар пенсия суғуртасини тўлаган ҳолда ишлаб кексайган, боқувчисини йўқотган, иш жараёнида ногирон бўлганларга тўланган.

Мамлакатимизда эса биринчи марта пенсия собиқ Иттифоқ даврида ва 1956 йилгача аҳолининг маълум бир тоифаларига тўланган. 1930 йили «Пенсия тўлаш тартиби тўғрисида» илк қонун чиққан ва пенсия ёши аёлларда 55, эркакларда 60 ёш этиб белгиланган. 1937 йилдан бошлаб дастлаб шаҳар аҳолиси бўлган ишчи-хизматчиларга пенсия тўланган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар эса пенсия олмаган. 1956 йили «Давлат пенсияси ҳақида»ги қонун қабул қилингач, пенсия ёшига етган барча нафақа ола бошлаган.

Бугунги кунга келиб глобал миқёсда узоқ умр кўриш кўрсаткичлари ошиб, пенсия ёшидагиларнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан улуши ортаётгани кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат ресурсларига бўлган босимни кучайтирмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу йил июль ойида эълон қилган ҳисоботига кўра, 2080



йилга бориб Ер юзи аҳолиси сони энг юқори чўққига чиқиши, 2024 йилдаги 8,2 млрддан тахминан 10,3 млрдга етиши кутилмоқда. Ковид-19 пандемияси даврида умр кўриш давомийлиги ўртача 70,9 ёшга тўғри келган бўлса, қисқа вақт ўтиб, яъни, 2024 йилда бу рақам 73,3 ёшни кўрсатяпти. Ўзбекистонда эса 2023 йилда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 74,4 ёшни ташкил этди.

Шундай қилиб, 2070-йилларга бориб дунё бўйича 65 ва ундан катта ёшдагилар сони 18 ёшгача бўлган болалар сонидан сезиларли ортиши, бу ҳолат демографик кўрсаткичлари жадал ўсаётган ва аҳолиси нисбатан ёш бўлган мамлакатларда ҳам кузатилиши прогноз қилинмоқда.

Пенсия таъминоти меҳнатга қобилиятсиз аҳоли қатлами – кексалар, ногиронлиги борлар, боқувчисини йўқотганлар ва бошқа эҳтиёжманд инсонларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш гарови ҳисобланади. Шунга кўра, ҳар ой берилаётган пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистонда ҳам пенсия тизимини кенг кўламли ислоҳ қилиш, шу жумладан, пенсия тайинлаш шартларини қайта кўриб чиқиш, тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли қамровини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этиш ўринлидир. Бу йўлда ҳаётга татбиқ қилинаётган дастурлар, ижтимоий лойиҳалар замиридаги мақсад шуки, пенсионерларнинг турмуш даражаси янада яхшилансин ва уларнинг ижтимоий фаоллиги ошсин. Ҳеч бир инсон эътибору ғамхўрликдан четда қолмасин.

**Ж.ТЎРАХОНОВ,**
**Тошкент вилояти ИИББ ХПБ**
**бўлим бошлиғи.**



# БОЛА ОИЛА БАҒРИГА ҚАЙТДИ

**БАЪЗИДА ШУНДАЙ БЎЛАДИ, ОТА-ОНА, ҚОЛАВЕРСА, ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН ФАРЗАНД ЖИСМОНИЙ ЁКИ АҚЛИЙ НУҚСОН БИЛАН ТУҒИЛАДИ. ШУНДАЙ КЕЗЛАРДА АЙРИМЛАР БОЛАСИНИ ИХТИСОСЛАШГАН ДАВОЛАШ-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ТОПШИРАДИ.**



Ангренлик ота-она (айрим мулоҳазалар билан исм-шарифини келтирмадик) ҳам 2009 йилда туғилган фарзандини руҳий касаллиги учун ана шундай муассасага топширган. Воя-га етмаган Абдумаликов Д. 2016-2021 йилларда Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 78-сонли алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда тарбияланиб, Ангрен шаҳар ҳокимининг 2021 йилдаги қарори билан давлат муассасасига жойлаштирилган. Кейин эса пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйида яшаган. Аммо яқинда Меҳрибонлик уйи маъмурияти судга мурожаат қилиб, Абдумаликов Д. ота-онаси воз кечган фарзанд мақомида рўйхатга олинганини, унинг ижтимоий мақомини белгилаш зарурлигини, амалдаги қонунчиликда ота-онага фарзанди вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш мажбурияти юклатилганлигини билдирди. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари қатъий белгиланганини баён қилиб, суддан жавобгарлар – ота-онани вояга етмаган фарзандига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогарнинг ишончли вакили Азимова Ш. даъво аризани қисман қувватлаб, Меҳрибонлик уйи раҳбарияти вояга етмаган боланинг ота-онасига уни вақтинча уйига олиб кетиш ва оилага мослашишига рухсат берганини, бола ота-онаси ва оила аъзоларига мослашуви текширилганлигини баён этди. Ҳозирги кунда вояга етмаган Абдумаликов Д. ота-онаси ва опа-укалари билан бирга қолиш истагини билдирганини, бунга тўсқинлик қилувчи, боланинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳолатлар бўлмагани учун тарбияланувчини ўз оиласида, ота-онасининг қарамоғида қолдириш хулосасига келинганини маълум қилди. Бола даъвогарнинг назоратида бўлиши ва унга зиён етказилган ҳолда Меҳрибонлик уйига қайтарилиши ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи қайта кўрилиши ҳақида жавобгарлар огоҳлантирилганини айтиб, суддан ишни қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар ота даъво аризани қисман тан олиб, ўз тушунтиришида боланиинг руҳий ҳолати ёмон бўлгани учун уни Меҳрибонлик уйига беришга мажбур бўлганини, у пайтда яшаш уйи бўлмагани, доимий даромади ва иши бўлмагани учун моддий қийинчиликка учраганини таъкидлади. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандини тарбиялаб, ўғли Д.ни ҳам оилага қайтаришни, унга оталик меҳрини кўрсатиб, вояга етказиш ва яхши таълим-тарбия беришга тайёрлигини билдирди.

Худди шундай, жавобгар она ҳам вояга етмаган фарзанди Д.га оналик меҳрини беришга, уни ўз тарбиясида вояга етказиб, муносиб инсон бўлишига ҳаракат қилишини айтиб ўтди.

Дастлабки суд мажлисида сўралган мутахассис —Ангрен шаҳар "INSON" ижтимоий хизматлар маркази болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбаси вакили Анарова К. ўз тушунтиришида Меҳрибонлик уйи раҳбарияти рухсати билан Абдумаликов Д. бир муддат оилада, ота-онаси ва опа-укалари билан бирга яшаётганини, унинг мослашуви яхши кечаётганини, уйда болаларнинг таълим-тарбияси учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида қайд этиб, жавобгарларга имконият бериш лозимлигини билдирди.

Суд тарафларнинг баёнотини тинглаб, прокурор фикри ва учинчи шахс тушунтириши ва иш ҳужжатларини ўрганиб, хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасига асосан ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она фарзандлар камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятига, шунингдек, фарзанд тарбиясида бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Суд жараёнида даъвогар - Меҳрибонлик уйи маъмурияти киритган даъво талаби муҳокама қилиниб, мазкур ҳолатда жавобгарлар моддий қийинчиликлар ва турмушдаги келишмовчиликлар, боланинг руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ундан воз кечгани, ота-оналик мажбуриятларини бажармагани, ўз боласига ғамхўрлик қилмаслиги ва моддий таъминлашдан бош тортгани тақдим этилган ҳужжатлар билан ўз исботини топди. Бироқ суд жараёнида Д.нинг айни пайтда опа-укалари билан бирга яшаётгани, бола билан суҳбатлашганда у оиласида қолиш истагини билдиргани, бу ҳолат психолог фикри билан тасдиқлангани, жавобгарлар вояга етмаган фарзандини қайтаришни, уни тарбиялаб, вояга етказиш ва Меҳрибонлик уйига қайтармасликка қарор қилганини инобатга олди. Шунинг учун суд бундай вазиятда вояга етмаган боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда даъво талабини рад қилишни, вояга етмаган болани эса ота-онасининг қарамоғида қолдиришни лозим топди.

Шундай қилиб, бола Меҳрибонлик уйидан ўз оиласига, ота-онаси бағрига қайтди.

**Дилноза ШОМАТОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича**
**Тошкент вилоят Оҳангарон**
**туманлараро судининг судьяси.**

**БУГУН ХАЛҚИМИЗНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ, ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ 15-20 ЙИЛЛАР ОЛДИНГИ ДАРАЖА БИЛАН ҚИЁСЛАБ БЎЛМАЙДИ. ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙ МАНЗИЛИДА БЎЛМАНГ, ҚАЙ СОҲА ВАКИЛИ БИЛАН СЎЗЛАШМАНГ, ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРГА СУСТ МУНОСАБАТНИ ЁКИ БЕПАРВОЛИК КАЙФИЯТИНИ СЕЗМАЙСИЗ. АКСИНЧА, ИСЛОҲОТЛАРГА ВА МАМЛАКАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁНЛАРГА ДАХЛДОРЛИК, ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ИМКОНИЯТИНИ АНГЛАШ ҲИССИ ҲАМДА ТОБЛАНИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР ФУҚАРОЛАРИМИЗНИ МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ФАОЛ ТАШАББУСКОРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА.**







# МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

Жамиятдаги бу эврилиш барча жабҳада, хусусан, халқчил парламентни шакллантиришда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнашини айни кунларда янада теран ҳис қиляпмиз. Бинобарин, шу ойнинг сўнгги якшанбасида ўтадиган парламент сайловлари кампанияси сиёсий партиялар томонидан қизғин суръатда олиб борилаётгани, сайловолди ташвиқоти даврида партияларо соғлом рақобат ҳам ўтган сайловларга нисбатан сезиларли ошгани яққол намоён бўлмоқда.

Бундай суръат, табиийки, жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортмай қолмаяпти. Ҳозирга қадар Ҳиндистон, АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Хитой, шунингдек, Европа Иттифоқи, Марказий, Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё, Кавказ ва Яқин Шарқнинг етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда сайлов кампанияси боришига ўз муносабатини билдирди (манба: “Dunyo” АА). Жумладан, Испанияда инглиз тилида чоп этиладиган “Euro Weekly News” нашрида можаритар ва пропорционал вакилликни бирлаштирган аралаш сайлов тизими Ўзбекистонда “инклюзив, динамик ва сезгир” парламентни вужудга келтириши қайд этилган. “EU Today” (Европа Иттифоқи), “Trend News Agency” (Озарбайжон), “Economic Times” (Ҳиндистон) “Psearcher” (Хитой) каби дунёдаги ўнлаб нашрлар Ўзбекистондаги парламент сайловларини мамлакатнинг сиёсий манзарасига ҳам, минтақавий ривожланиш истиқболларига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган “бурилиш нуқтаси” сифатида тавсифладилар.

Дарҳақиқат, халқимиз иродасини акс эттирувчи, эркин, демократик руҳда ўтиши кутилаётган бу сайловлар Ўзбекистон учун янада юқори ва янги ўзгаришлар даврини бошлаб беришига ишонч билдирилмоқда.

## ИШОНЧ АСОСИ НИМАДА?

Сайлов кампаниясининг муҳим ва масъулиятли босқичи – бу сайловолди ташвиқоти ҳисобланади. 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексига кўра, мазкур жараён номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланади ва сайлов куни ҳамда овоз беришга бир кун қолганида якунланади.

Шу кунларда олиб борилаётган сайловолди ташвиқоти тадбирлари ҳам мазмун-моҳиятан, ҳам шаклан жонлангани, айниқса, сиёсий партияларнинг, улар томонидан қуйи палата ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг қатъий азму шижоати, юқорида таъкидлаганимиздек, парламент сайловларининг демократик андозаларга ҳамоҳанг ўтишидан далолат бермоқда.

Айниқса, ташвиқот тадбирлари орасида сайловолди дебатлар чиндан ҳам мамлакатимиз сиёсий ҳаётига янгича руҳ олиб кирди. Бу ташвиқот минбари сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари учун эркин фикрлаш, ўз позициясини билдириш ва ҳимоя қилиш воситасига айланди, десак янглишмаймиз. Таъбир жоиз бўлса, партиялар ўртасидаги рақобат кетма-кет ўтказилаётган дебатларда ёрқинроқ кўринмоқда. Бугун матбуотни ёки расмий Интернет нашрларини ўқиб боришга бироз тоқатсиз бўлиб қолган сайловчиларимиз учун айнан дебатлар (дебатлар бир вақтнинг ўзида бир неча телеканалларимизда жонли эфирда узатилаётгани айни муддао!) партияларнинг сайловолди дастурларидаги устувор мақсад ва йўналишлар билан танишиш, уларга холис баҳо бериш имконини яратяпти. Ўз навбатида аҳоли кенг қатлами ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг энг долзарб муаммолари билан боғлиқ саволларга жавоб оляптилар. Бу эса, шубҳасиз, фуқароларимизга келажак тақдири билан боғлиқ бўлган сиёсий жараён – парламент сайловларида муносиб деб билган партияни ва номзодни танлаб олиш юзасидан мустақил қарор қабул қилишига ёрдам беради.




## ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДА

Сайловолди ташвиқотининг жаҳон миқёсида оммалашиб бораётгани шакли - дебатлар Францияда 1958 йилдан, АҚШда 1960 йилдан, Германияда 2008 йилдан, Россия Федерациясида 2009 йилдан ва Буюк Британияда 2010 йилдан бери ўтказиб келинади. Ҳар бир давлатда бу сиёсий мазмундаги тадбир ўз тарихига, анъанавий хусусиятларига эга.

> **АЙНИҚСА, ТАШВИҚОТ ТАДБИРЛАРИ ОРАСИДА САЙЛОВОЛДИ ДЕБАТЛАР ЧИНДАН ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ЯНГИЧА РУҲ ОЛИБ КИРДИ. БУ ТАШВИҚОТ МИНБАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ЭРКИН ФИКРЛАШ, ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАСИГА АЙЛАНДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.**

Гап шу ҳақида борар экан, АҚШ президентлик сайловларидаги дебатларни мисол тариқасида айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Биринчи марта 1960 йилда мамлакат раҳбарлигига номзодлар Ричард Никсон ва Жон Кеннеди махсус телекўрсатувга таклиф қилиниб, улар ўртасида дебат ташкил этилади. Теледебат давомида номзодлар мамлакат ички ва ташқи сиёсатига дохил мавзуларни муҳокама қиладилар ва сайловчиларни ўзларининг сиёсий дастури билан таништирадилар. Кейинчалик мутахассисларнинг тан олишича, ўша дебатда айнан Кеннединнинг ўзига ишончли қиёфаси охир-оқибат унга Республикачилар партиясидан тажрибали номзодни мағлуб этишга имкон берган.

Ҳозирда бу мамлакатда мана шундай дебатларни ташкил қилиш учун ҳаттоки “Президент дебатларини ўтказиш бўйича комиссия” фаолият юритади. Дебатларда Президентликка номзодлар ўзларига берилган саволларга белгиланган вақт ичида жавоб қайтариши, муҳокама қилишлари билан сайловчиларнинг эътиборини тортадилар. Дебатлар сайловчиларнинг номзодлар сайловолди дастуридаги ғоя-ташаббуслар ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлишини таъминлайди.

Дарвоқе, шу йилнинг 5 ноябрида АҚШда навбатдаги президентлик сайлови бўлиб ўтиши кутиляпти. Энг юқори лавозимга номзодлар Камала Харрис ва Дональд Трамп ўртасида 10 сентярь куни ташкил қилинган илк дебатни 67 млн киши жонли равишда кузатди.

## ДЕБАТЛАР ФАҚАТГИНА СИЁСИЙ БАҲС ЭМАС

Одатда ривожланган Ғарб давлатларида мамлакат етакчилигига номзодлар ўртасидаги дебатларда ўзаро тортишувлар ҳаттоки бир-бирини камситиш даражасига чиқиб кетишини демократиянинг бир кўриниши сифатида талқин этадиганлар бор.

Ана шундай талқин ва кўникма таъсирида мамлакатимизда биринчи марта 2019 йилги парламент сайловида партиялар вакиллари, 2023 йилги Президент сайловида эса номзодлар вакиллари дебатларига “юзаки” деб баҳо берганлар ҳам бўлди.

Дебат муҳокама, мунозара ва баҳс майдони. Шу билан бирга унда иштирокчиларнинг, иштирокчилар қиёфасида эса халқнинг миллий характери ва маданияти учқунлари намоён бўлади. Бугун навбатдаги парламент сайловлари муносабати билан изчиллик асосида ўтказилаётган дебатларга муносабат билдиришда мана шу жиҳатни унутмаслик лозим.

Хабарингиз бор, 27 сентябрь куни, яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига бир ой қолганида пойтахтимиздаги “Дебат-Холл”да дастлабки теледебат бўлиб ўтди. Унда бешта сиёсий партия лидерлари иштирок этди. Очиқ баҳс асносида партияларнинг дастурий мақсадлари лидерлар томонидан лўнда ва аниқ очиб берилди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларни йўлладилар. Партия етакчилари баҳсталаб масалаларда бир-бирини сўроққа тутдилар.

Айтиш мумкинки, дебат давомида ортиқча популизмга ёки “арзон эҳтиросларни қўзғаш”га берилиш кайфияти заррача сезилмади. Ҳар бир масалага иштирокчилар оғир-босиқлик билан ёндашдилар. Масалан, тадбирни олиб борган ЖОКУ ректори Шерзодхон Қудратхўжа ЎзХДП раҳбари Улуғбек Иноятовдан пойтахтда тирбандлик муаммоси ва метрополитеннинг тирбандлиги қандай ҳал этилишини сўради. У. Иноятов партия дастурида жамоат транспортини янада ривожлантириш, жумладан, метро қамровини кенгайтириш кўзда тутилганини маълум қилди. Йўл четларида автомобилларнинг тўхташи, бекатларнинг хусусийлаштирилиши ва уларда дўконларнинг очилиши тирбандликнинг асосий сабаблардан бири сифатида келтирилди. Партия дастурида кўчалар бўйлаб пуллик тўхташ жойлари экотизимини яратиш, янги турар жой микрорайонларида автотураргоҳлар мавжудлиги тўғрисидаги мажбурий талабни жорий этиш, кўп қаватли автотураргоҳларни қуришни кенгайтириш таклиф этилаётгани айтилди.

Таъкидлаш керакки, сайловчиларга партияларнинг сиёсий позициясини, галдаги беш йил учун ишлаб чиққан сайловолди дастурларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини чуқур етказишда бундай руҳдаги профессионал дебатлар керак ва буни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Парламент сайловигача сиёсий партиялар ўртасида беш марта дебат ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача уларнинг учтаси мана шундай юқори савияда ташкил қилинди. Яъни, 4 октябрь куни партия вакиллари давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш мавзуида мунозарага киришган бўлсалар, ўтган жума кунги дебат эса иқтисодиёт ва тадбиркорликка бағишланди. Ушбу масалаларда партиялар ўз таклиф-ташаббусларининг устун томонларини асослаб бердилар. Эътироз билдиришда, баҳслашишда ўзаро ҳурмат ва ахлоқий меъёрларни унутмаган ҳолда.

Дебатларни кузата туриб, шундай хулосага келдик: сиёсий партиялар сайловга пухта тараддуд руҳида кириб бормоқда, сайловнинг қандай ўтиши эса энди биз – сайловчиларга боғлиқ.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**



**БУГУН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ ЭКАНИ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНДИ. МИСОЛ УЧУН, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА, ЎРНИ КЕЛГАНДА, ТЕНГМА-ТЕНГ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИ АЙНИ ҲАҚИҚАТ. “УЧИНЧИ СЕКТОР” ВАКИЛЛАРИ НАФАҚАТ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖРОЧИСИ ВА КЎМАКДОШИ, БАЛКИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА БЕВОСИТА ДАХЛДОР ҚАРОРЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМ ЯНГИ ДАВР “ДРАЙВЕРИ” СИФАТИДА ЎЗИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА. БУНДАЙ КАТТА МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАГА ОЛИШ, УДДАЛАШ МУРАККАБ ИШ, АЛБАТТА. АММО ДАВЛАТИМИЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ ЧИНАКАМИГА УЛАРГА МАДАД БЕРМОҚДА.**



# ЯНГИ ДАВР “ДРАЙВЕРИ”

Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига фуқаролик жамият институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди ва улар конституциявий институт сифатида эътироф этилди. “Ўзбекистон-2030” стратегиясида халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланди. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Сўнгги етти йилда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 718 миллиард сўм ажратилди. Бу рақам 2008-2016 йилларга солиштирганда ўн икки баробарга ошган. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари” ташкил этилди. Маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати қирқ кундан ўн беш кунгача қисқарди. Барча давлат хизматларини электрон тарзда кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунинг учун алоҳида ngo.uz портали ишга туширилди.

Ана шу ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида яқинда давлатимиз раҳбарининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва мазкур ҳужжат билан навбатдаги туб ўзгаришлар старт олди.

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ПЛАТФОРМАСИ

Фармонда фундаментал асосга эга бўлган концептуал вазифалар белгиланди ва уларнинг ҳар бири фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият тараққиётида “учинчи сектор” салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ҳамда уларнинг ташаббусларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклигини янада ривожлантириш, таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш, хориждаги ватандошлар, уларнинг уюшмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Бу борада давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БҲМнинг 1 000 бараваригача танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилади. Ижтимоий буюртма беришда асосий эътибор жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш, таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили камида бир маротаба соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказилади. Ҳар йили ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш бўйича дастур қабул қилади.

## БУЛАР НИМА УЧУН МУҲИМ?

Биринчидан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини давлат органлари билан ижтимоий шерикликсиз тасаввур этиш қийин. Бундан ўн йил олдин “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ўтган вақт мобайнида қай даражада кутилган натижани бергани алоҳида мавзу. Аммо ҳозир шуниси аниқки, амалда ижтимоий шерикликни кучайтиришга эҳтиёж мавжуд. Айниқса, вазирлик ва идоралар ўзлари масъул бўлган соҳаларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши кун тартибига чиқяпти. Демак, юқоридаги Фармонда белгиланган мақсадларга кўра, эндиликда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун янада кенг кўламда, аниқ натижа асосида ишлайди. Бу эса фуқаролик жамияти институтлари ихтисослашувининг кучайишига ҳам хизмат қилади.



Навбатдаги муҳим масала – бу жамоатчилик назорати. Таъсирчан жамоатчилик назорати турли соҳаларда йўл қўйилаётган сусткашлик, фойдаланилмаётган имкониятлар, хато ва камчиликларни баралла айтиш орқали уларни бартараф эта олиш имкониятини беради. Фуқаролик жамияти институтларининг кучли жамоатчилик назорати давлат ва жамият ҳаётини шу тарзда ривожлантиришга кўмаклашади, шунинг учун ҳам Фармонда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни жамоатчилик назорати механизмларини янада кенгайтириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш масаласига ҳам урғу берилган.

## ОЧИҚЛИК ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Фармонга мувофиқ фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнларини рақамлаштириш назарда тутилмоқда.

Очиғи, шу пайтга қадар ўтказилган танловларда ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни танлаб, ғолибларни эълон қилгач, айрим “учинчи сектор” вакилларининг эътирозига, турли тушунмовчиликларга дуч келардик. Бунга асосий сабаб – барча жараёнда инсон омили борлиги. Бундай шароитда уларнинг қоғозбозлик, расмиятчилик, турли оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларга тўқнаш келишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Энди эса танловлар, уларга аризалар бериш, ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, ғолибларни белгилаш, молиялаштириш, жорий ва якуний мониторинг каби жараёнларнинг барчасини ягона электрон платформа орқали амалга ошириш устида ишлаяпмиз.

Мақсадимиз шаффофлик ҳамда очиқликни таъминлаш, холислик ва соғлом рақобатни янада кучайтириш, қолаверса, фуқаролик жамияти институтларининг жамият олдида ҳисобдорлигини оширишдан иборат. Мазкур йўналишда IT технологиялар ва дастурий маҳсулотлар жорий қилиниши Ўзбекистон учун дастлабки тажриба. Шунга қарамай, уни муваффақиятга айлантира олишимизга ишончимиз катта.

## ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Эндиликда самарали ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари бирлаштирилиб, уларнинг асосида Олий Мажлис ҳузурида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади. Бу фонд Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмаларидан иборат бўлади. Фонд маблағларини бошқариш учун парламент комиссияси тузилади. Бунга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларидан иборат вакиллар ҳар йили навбатма-навбат раислик қилади.

Шубҳасиз, бундай тартиб янги фонд фаолиятида, айниқса маблағларни тақсимлаш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, танлаш, молиялаштириш ва ижросининг самарадорлигини юксалтиришда умумхалқ ҳамда ҳудудлар манфаатлари инобатга олинишини таъминлайди. Унинг фаолиятига манфаатдор вазирликлар, идоралар ва фаол жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилиши эса фонд бошқаруви самарадорлигини янада оширади.

Яна бир муҳим янгилик – бу Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар ҳузурида уларнинг ваколатига кирувчи вазифаларни самарали амалга оширишга кўмаклашувчи фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат маслаҳат гуруҳлари жамоатчилик асосида иш олиб боришидир.

Хабарингиз бор, ҳозирда ҳар бир давлат органи ва ташкилоти ҳузурида жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Бундан мақсад – одамларнинг таклифлари, мурожаатлари, ўйлантираётган масалалари давлат идорасига етиб боришига эришиш, содда қилиб айтганда, давлат ва халқ ўртасида кўприк ўрнатиш. Аммо, афсуски, бундай кенгашларнинг барчаси ҳам зиммасидаги масъулиятни самарали адо этаяпти, дейиш бироз мушкул. Шунинг учун Фармон билан уларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратилган муҳим масала кун тартибига чиқди: эндиликда жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамият институтлари вакиллари орасидан тасдиқланади. Жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантирилади. “Юксалиш” ҳаракати томонидан ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги ўлчаб борилади ва натижалари кенг жамоатчиликка очиқ эълон қилинади.

**“ЭНДИЛИКДА САМАРАЛИ ИЖТИМОИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ОЛИЙ МАЖЛИС, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ БИРЛАШТИРИЛИБ, УЛАРНИНГ АСОСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.**

## ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

Фармонда фуқаролик жамияти институтларига иқтисодий-молиявий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни шаклантириш борасида "учинчи сектор" вакилларига енгиллик ва рағбат берадиган янгиликларни, ўзгаришлар салмоғини кўриш мумкин.

Масалан, шу йилнинг октябридан 2027 йил 1 октябрга қадар Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш фонди маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар лойиҳалари доирасидаги солиқ ставкалари эллик фоизга камайтирилади. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини тузишнинг янада енгиллаштирилган тартиби жорий қилинаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бу каби ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган давлат божи миқдори 2 бараварга камайтирилди ва айни тартиб 2025 йил 1 январдан бошлаб кучга киради. Ҳомийлик ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ажратадиган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдори эса 15 млн сўмдан 34 млн сўмга ёки 2 каррага оширилди.

Давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг таклифига кўра, жорий йилдан бошлаб декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” ўтказилади. Ҳафталик доирасида Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилади.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар, шу жумладан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони, ҳар икки йилда эса Фонд томонидан “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофоти билан тақдирлаш тадбирлари ташкил этилади. Журналистлар ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловга ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналиши янги номинация сифатида қўшилади.

Умуман олганда, Фармон билан фуқаролик жамияти институтларининг эркин, барқарор ва тизимли ривожланиши учун зарур бўлган шароит-шароитлар кенгайди, имконият ва имтиёзлар ортди. Фаол жамоатчилик назоратини олиб боришда қатъий давом этиш, халққа яқин, давлатга ҳамкор бўлишни янада кучайтиришнинг қулай фурсати, янги даври бошланяпти, десак адашмаймиз. Буларнинг бари яқин келажакда ҳар бир “учинчи сектор” вакилининг фаолиятида, одамларимиз ҳаёти, мамлакатимиз ривожида амалий натижа кўрсатишига ишонамиз.

**Баҳодир ТАЖИЕВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси ўринбосари,**
**Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

МИННАТДОРЛИК





# Маҳобатли кўприк барпо этилди







**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ “ХУШЧЕККА” МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДАН ЎТГАН "ЖАРҚЎРҒОН-КАКАЙДИ-ЛАЛМИКОР-ХУШЧЕККА-ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕГАРАСИ" АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ВОҲАДАГИ МУҲИМ ИНШООТЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. МАЗКУР ЙЎЛНИНГ 79-КИЛОМЕТРИДАГИ КЎПРИК ҚАРИЙБ ЕТМИШ ЙИЛДАН БУЁН ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШДА АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН.**

Аммо кўп йиллик сел-сув тошқинлари натижасида 2022 йилнинг баҳорида бу кўприк яроқсиз аҳволга келиб қолди. Шундан кейин Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов ташаббуси билан замонавий иншоот қуришга киришилди.

– Ҳаммаси кўнгилдагидек давом этаётганди, – дейди “Хушчекка” маҳалласида яшовчи Бозор Ташанов. – Қисқа фурсатда дарёнинг икки томони меъёрига келтирилди. Тош ва тупроқ ишларидан кейин зарур бетон таянчлар ўрнатилди. Кўплаб устунлар олиб келинганда, тўғриси, яқин кунларда мушкулимиз осон бўлади, деб ўйлагандик.

Лекин сентябрь ойига келиб бунёдкорлик ишлари негадир бирдан тўхтади-қолди. Янаям тўғрисини айтганда, қурилиш чала ташлаб кетилди. Деярли саккиз ойча айланма йўлдан юришга мажбур бўлдик. Ҳайдовчилар аросатда қолган бўлса, ўқувчиларнинг лой кечиши одатга айланди. Мунтазам тирбандлик кузатилди.

– “Ўзбекистон овози” газетасининг жорий йил 3 апрель сонида “Хушчекка”ликлар қачон хуш кайфиятда бўлади?” сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилингандан кейин бир гуруҳ масъуллар келишди, – давом этади хушчеккалик Қарши Дўстназаров. – Ҳолат яна бир бор жойида ўрганилди. Камчиликлар муҳокама қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Ниҳоят узунлиги 33, кенглиги эса 15 метрли маҳобатли кўприк фойдаланишга топширилди. Бунинг учун таҳририятга миннатдорлик билдирамиз.

– Кўпчиликнинг дарду ташвишига айланган масала Сурхондарё вилояти ва Шўрчи тумани ҳокимликлари томонидан алоҳида назоратга олингандан кейин ишлар янада жадаллашди, – дейди Шўрчи туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Нигина Шоева. – Замонавий иншоотнинг умумий лойиҳа қиймати 4 миллиард 362 миллион сўмни ташкил қилади. Бунёдкорлик ишлари "Хўшбоқ Али Ангор" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди. Кўприкнинг ҳар икки томонига махсус ҳимоя тўсиқлари ўрнатилиши билан бир қаторда, туташ манзиллардаги 3 километрдан ортиқ кўча ҳам асфальт қилинди.

Муҳим йўл ўтказгич ва равон йўл кўп йиллар халқларимизга хизмат қилишига ишонамиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ЯХШИЛАНДИ, ҚУРИЛИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ЭСА ПАСАЙДИ

**ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИ ТОМОНИДАН СЕНТЯБРЬ ОЙИДА КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВЛАРГА КЎРА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТДА БИЗНЕС МУҲИТИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАНГАН, ҚУРИЛИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИДА ЭСА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ПАСАЙИШИ КУЗАТИЛГАН. СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА, ЙИҒМА БИЗНЕС МУҲИТИ КЎРСАТКИЧИ ЎТГАН ОЙГА НИСБАТАН 2 БАНДГА ОШИБ, МОС РАВИШДА 55 БАНДНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.**



Маълумот учун: Бизнес муҳити – бу Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан корхоналар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида ишлаб чиқилган таҳлилий кўрсаткич. Тадқиқотда ҳар ой мингдан ортиқ тадбиркор иштирок этади, бу эса юқори репрезентатив танловни таъминлайди ва иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида асосли хулосалар чиқариш имконини беради.

Мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни «яхши» деб баҳолаган респондентларнинг улуши 45 фоизга етди. Корхоналарнинг 41 фоизи сўнгги уч ой ичида ўз маҳсулотларига/хизматларига бўлган талаб август ойидаги 39 фоизга нисбатан ошганини маълум қилди.

Сўровда қатнашган компанияларнинг тўртдан бир қисми кейинги уч ой ичида нархлар ошишини кутмоқда. Шу билан бирга нархларнинг пасайишини тахмин қилган тадбиркорларнинг улуши 9 фоизни ташкил этди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес муҳити индекси 56 дан 63 бандга, саноатда эса 50 дан 66 бандга кўтарилди. Аксинча, қурилиш тармоғида бизнес фаоллиги сезиларли даражада пасайиши қайд этилди, яъни, бир вақтнинг ўзида 14 банддан 42 бандгача, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 5 банддан 46 бандгача ўртача пасайиш кузатилди.

Бундан ташқари, бизнес муҳитининг жорий ҳолати кўрсаткичи ўтган ойга нисбатан 9 бандга ошган ва 48 бандни ташкил этган. Жорий бизнес фаоллигининг ўсиши барча соҳада, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида жорий кўрсаткичларнинг мос равишда 6 бандга, саноатда 18 бандга, хизмат кўрсатиш соҳасида 16 бандга ва қурилишда 1 бандга ўсиши билан изоҳланади.

“Саноат ва хизматларнинг сезиларли яхшиланиши ишлаб чиқариш фаоллиги ва талабнинг ошганлигидан далолат беради”, дейилади Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази хабарида.

Сентябрь ойида компанияларнинг оптимизми бироз пасайган. Бизнес муҳитини кутиш кўрсаткичи 4 бандга камайди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда оптимизм мос равишда 67 дан 73 га ва 63 дан 76 га ошган бўлса, қурилиш ва хизматлар соҳасида пасайиш кузатилмоқда: 67 банддан 38 бандгача ва 69 дан 53 бандгача.

Тадқиқот давомида тадбиркорлар тез-тез дуч келадиган энг долзарб муаммолар аниқланган. Сентябрь ойида мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, молиялаштириш август ойида 10 фоиздан сентябрда 12 фоизгача ўсиб, бу соҳадаги энг долзарб муаммога айланган. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ хавотирлар мос равишда 5 фоиз ва юқори солиқ ставкалари 7 фоиз даражасида барқарор бўлиб қолмоқда.

Электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг 5 фоиздан 4 фоизга камайиши ушбу соҳадаги вазиятнинг қисман яхшиланганини кўрсатиши мумкин, аммо айни масала ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Саноат соҳасида энг катта муаммолар молиялаштириш ва солиқ маъмуриятидир. Шунингдек, лицензия ва рухсатномалар олиш билан боғлиқ муаммолар камайганини кўриш мумкин.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази хабарида таъкидланишича, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти ва лицензиялаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган тадбиркорлар улушининг камайиши инфратузилма ва тартибга солиш муҳитида ижобий ўзгаришлардан дарак бериши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида юқори солиқ ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар нисбатан яхши томонга ўзгарган.

***

**Ипотека бозори “совумоқда”ми?**

Марказий банкнинг хабарига кўра, Ўзбекистонда ипотека кредити бозори қисқаришда давом этмоқда.

Январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда ипотека кредитлари ҳажми 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 фоизга – 11,7 триллион сўмга, олувчилар сони эса қарийб 20 фоизга камайган. Шунингдек, ажратилаётган ипотекаларнинг ўртача миқдори 19,9 фоизга – 274 миллион сўмга, банкларнинг фоиз ставкалари эса 23,8 фоиздан 25 фоизга ошган.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 11,73 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган, бу 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 490,3 миллиард сўмга ёки 4,1 фоизга камайган.

Янги қурилган уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека ҳажми 7,08 триллион сўмдан 7,16 триллион сўмга (+1,1 фоиз) ошди, иккиламчи уй-жойлар учун эса 5,14 триллион сўмдан 4,57 триллион сўмга (-11 фоиз) камайди.

Ушбу тенденция барча манбалардан, яъни, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (-189,8 миллиард сўм), банкларнинг ўз маблағлари (-222 миллиард сўм) ва Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси (-78,5 миллиард сўм) ҳисобидан молиялаштиришни қисқартириш ҳисобига юз берган.

Айниқса, бу хизматнинг асосий бозорлари ҳисобланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ипотека кредити ҳажми сезиларли даражада қисқармоқда. Пойтахтда берилган ипотека кредитлари ҳажми 3,76 триллион сўмдан 3,5 триллион сўмгача (-6 фоиз), Тошкент вилоятида эса 960,5 миллиард сўмдан 648,7 миллиард сўмгача (-32,5 фоиз) камайган.

Эндиликда Тошкентдан кейин иккинчи йирик ипотека бозори Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда. Бу ерда аҳоли 1,02 триллион (+19,8 фоиз) сўм ипотека кредитларини олган. Кейинги ўринларни 1,01 триллион сўм (+6,3 фоиз) билан Фарғона вилояти, 834,7 миллиард сўм (+17,1 фоиз) билан Андижон вилояти ва 748,8 миллиард сўм (-18,3 фоиз) билан Навоий вилояти эгаллаган.

Ипотека кредити олувчилар сони ҳам 10 653 киши (53 443 нафардан 42 790 нафарга) га камайган. Шу билан бирга, ўртача кредит миқдори 228,6 миллион сўмдан 274 миллион сўмга ёки 19,9 фоизга ошган.

Давлат дастури доирасида ипотека фоиз ставкаси ўзгармади, яъни, 17,5 фоиз, аммо банклар ўз кредитлари учун ставкаларни 23,8 фоиздан 25 фоизга оширган.

Эътиборлиси, 18-30 ёшлилар орасида ипотека кредити олувчилар сони 10 333 тадан 11 601 тагача кўпайган, уларнинг улуши эса 19 фоиздан 27 фоизга ошган. Бунинг фонида ўрта ёшлилар (31-50 ёш) улуши 69 фоиздан 65 фоизгача, шунингдек, катта ёшдагилар (50 ёшдан ошган) улуши 12 фоиздан 8 фоизгача камайган.

Маълумотларга кўра, биринчи ярим йиллик якунига кўра ипотека бўйича ўртача ойлик тўловлар 16 фоизга ошиб, 2,99 миллион сўмни ташкил этган. Бундай кредитларнинг ўртача суммаси кўпайган бўлса-да, уларни бериш муддати қисқартирилди. Ипотека кредитларининг 22 фоизини норасмий даромадга эга шахслар олган.



**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

# САЙЛОВ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИДИР!

## Халқ демократик партияси сайловолди ташвиқотининг олиб борилиши билан боғлиқ масаладаги брифинги

**КЕЧА “DEBAT XOLL” МЕДИА МАРКАЗИДА САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ТАДБИРЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП БРИФИНГ ЎТКАЗДИ. УНДА ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ТЎЛҚИН ТЎРАХОНОВ МАВЗУ ЮЗАСИДАН БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРДИ.**

**ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТАДИГАН САЙЛОВДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.**



Қайд этилдики, дунё давлатчилиги, кучли жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлашдек умуминсоний ғояларга таянгани учун ХДП ғоялари ҳар доим устувор ва долзарб бўлиб келмоқда. Жаҳонда кейинги ўн йилликда барқарорликни сақлаш мақсадида ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритиш тенденцияси фаол тарзда кун тартибига чиқмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлагани унинг мамлакат сиёсий кучлари сўл қаноти эканини белгилайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади.

Партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бир мандатли округлар (мажоритар тизим) бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат (пропорционал тизим) бўйича 100 нафар номзодларни кўрсатди. Бу борада асосий эътибор номзодларнинг сифат таркибига хусусан, тажрибали, халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлган, салоҳиятли, билимли, замон билан ҳамнафас номзодларни саралашга қаратилди.

Номзодларнинг 83 нафари (47,4 фоиз) аёллардан иборат бўлиб, барча 175 нафар номзод олий маълумотга эга, уларнинг 40 фоизини фан, таълим, маданият ва ижтимоий соҳа, 13 фоизини иқтисодиёт соҳаси вакиллари, 8 фоизини ҳуқуқшунослар, 8 фоизини муҳандис ва агрономлар ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 18 нафарида фан номзоди (PhD) ва 15 нафарида фан доктори (DSc) илмий даражаси мавжуд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) кенгашларига 5 695 нафар номзодлар кўрсатилди, уларнинг 2 415 нафарини (42,4 фоиз) хотин-қизлар ташкил этади.

Яна бир муҳим жиҳати, номзодларнинг 5 019 нафари олий маълумотга, жумладан, 28 нафари фан номзоди (PhD), 16 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасига эга. Мутахассислиги бўйича номзодларнинг 45 фоизини фан, таълим, маданият ва ижтимоий соҳаси, 7 фоизини иқтисодиёт соҳаси вакиллари, 2 фоизини ҳуқуқшунослар, 8 фоизини муҳандис ва агрономлар ташкил этади.

Ўзбекистон ХДП ҳузурида марказий, ҳудудий, туман ва шаҳар сайловолди штаблари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бирига сайловолди кампаниясининг барча йўналишларида тарғибот-ташвиқот ва ташкилий вазифалар юклатилиб, партия Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ иш олиб бориляпти.

Бундан ташқари, сайлов штаблари ҳузурида туну кун ишлайдиган фуқаролар қабулхонаси, call-марказлари фаолияти изчил йўлга қўйилди, ушбу марказлар орқали ўтган даврда аҳолидан мингга яқин мурожаат ва таклифлар келиб тушди. Улар бўйича тегишли тартибда иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон ХДП жойларда сайловолди ташвиқот тадбирларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Айтиш керакки, тарғибот тадбирларида ва уйма-уй юриб партия ғояларини сайловчиларга етказишда тарқатма материаллар муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, партия ва номзодларнинг тарғиботига оид турли воситалар, жумладан, блокнот, ручка, кепка, флаер ва бошқа турдаги 3 ярим миллионга яқин тарқатма материаллар тайёрланди.

Айни пайтда республикамиз шаҳар ва туманлари марказий кўчаларидаги LED экранларида номзодларнинг 300 га яқин тарғибот роликлари намойиш этилмоқда. Партиянинг “Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!”, “Ижтимоий давлат учун!” шиорлари акс этган 700 га яқин билбордга йирик ҳажмдаги баннерлар ўрнатилди. Шу билан бирга, партия томонидан туман-шаҳарлардаги марказий ва аҳоли гавжум нуқталарга 4200 га яқин кичик ҳажмдаги тарғибот баннерлари ўрнатилди. Махсус тайёрланган 260 000 га яқин плакатлар кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, метро ҳамда автобуслар бекатлари, аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларга ўрнатилди. Бундан ташқари, марказий кўчалардаги симёғочлар учун янгича форматда номзод расми ва партия шиори акс этган 300 га яқин плакатлар жойлаштирилди.

Тарғибот даврида 23 минг дона байроқ, 15 мингта футболка, 30 мингта кепка ва 400 мингга яқин бошқа тарғибот воситалари тайёрланиб, партия тадбирларида тарқатилмоқда. Партия Сайловолди дастуридаги энг муҳим ғоя ва ташаббуслар акс этган 800 мингдан ортиқ флаер ҳамда яна шунча миқдорда календар ҳам чоп этилиб, сайловчиларга тарқатилмоқда.

Сайловолди кампанияси даврида партиянинг дастури ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда, партиянинг Сайловолди дастури ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида, шунингдек, брайль алифбосида чоп этилди.

Ўзбекистон ХДП сайлов стратегияси асосида уйма-уй юриб, 1 миллиондан ортиқ хонадонга кириб чиқишни, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказишни, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини олишни мақсад қилган. Бу борада фаоллардан иборат волонтёрлик гуруҳларининг кўмаги катта бўляпти. Улар бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда барча ҳудудларда партия Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги босма материалларни сайловчиларга етказмоқда. Умуман олганда, Республика бўйича партия сафидаги 3500 га яқин йигит-қиз ва фаоллардан ташкил топган волонтёрлар гуруҳи бўлиб, улар сайловолди ташвиқотини фаол олиб боришга кўмаклашмоқда.

Масалан, тарқатма материалларни аҳолига улашиш билан бирга, волонтёрлар гуруҳлари номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг учрашувларини ташкил этишда ёрдам беряпти. Шунингдек, улар партия тарғибот воситаларини маҳаллалар, истироҳат боғлари, савдо майдончалари, умуман, одамлар кўп тўпланадиган жойларда тарқатишда асосий кучга айланган.

Сайлов кампанияси даврида олиб борилаётган ишларни ёритиб бориш ҳам аҳамиятлидир. Шу маънода, партия фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали аҳолига мунтазам ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, бу йилги сайловнинг ўзи ҳам, унга тайёргарлик ҳам аввалгиларидан тубдан фарқ қилмоқда. Хусусан, сиёсий партиялар ўртасида дебатларнинг ташкил қилиниши муҳим янгилик бўлди. Партия лидерлари, номзодлар иштирокида турли хил шаклдаги дебатлар ташкил қилинаётгани партия сайловолди дастуридаги устувор йўналишларни тарғиб қилишга яратиб берилган энг муҳим имкониятлардан биридир. Дебатлар нафақат партиялар учун ўзаро мулоқот майдони, балки сайловчилар билан қайта алоқани фаол олиб бориш платформасига ҳам айланяпти. Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, дебатлар жонли тарзда тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқда. Бу партияга ўзининг ғоя ва ташаббуслари ҳаётийлигини исботлаш, миллионлаб юртдошимизга тушунтириб бериш имкониятларини янада кенгайтирганини ҳам таъкидлаш лозим. Сиёсий рақобат кучайгани эса сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Таъкидландики, партия учун сайловчилар билан яқин мулоқот ўрнатиш жуда муҳим. Шунинг учун депутатликка номзодлар ҳудудларда тизимли равишда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб келяпти. Уларнинг ҳар бири сайловчилар билан яқин мулоқот, аҳолининг кундалик ҳаётдаги масалаларни муҳокама қилиш, таклифлар бериш, шу билан бирга, тинглаш имкониятидир. Бу борада партия номзодлари ҳудудларда фаолликни қўлга олган ва ҳар бир маҳаллада қизғин тарғибот олиб боришга интилмоқда.

Хусусан, ҳозиргача жойларда ташкил қилинган 5 мингдан ортиқ яқин учрашувларда 300 минг нафар ватандошимиз бевосита иштирок этди ва уларга партия Сайловолди дастури юзасидан тўлақонли маълумотлар берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакиллари томонидан ҳам жойларда сайловчилар билан 1400 дан ортиқ учрашув ўтказилиб, уларда 100 мингга яқин аҳоли қамраб олинди. Сайловолди учрашувларда сайловчилардан келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг ўзигина эмас, албатта. Тарғибот тадбирларида Ўзбекистон ХДП электорат вакиллари билан учрашувларга ҳам янгича ёндашилмоқда. Бугунгача Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикасида педагоглар, бюджет ва хизмат хизмат кўрсатиш соҳаси, ёш олим ва талабалар вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Мазкур учрашувларда партиянинг ҳар бир соҳадаги устувор вазифаларига тўхталиб ўтилмоқда.

Брифингда яқин кунларда электорат вакиллари бўлган нуронийлар, вақтинча банд бўлмаган фуқаролар, касб-ҳунар ўрганаётган ёшлар ҳамда тиббиёт соҳаси вакиллари билан мулоқот ўтказиш режалаштирилгани ҳам айтиб ўтилди.

Маълум бўлишча, сайловолди тарғибот тадбирлари доирасида ташкил этилаётган оммавий тадбирлар ҳам аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, 11 октябрь куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ўтган ана шундай йирик тарғибот тадбири бу фикрга яққол далилдир. Мазкур тадбирда бир пайтнинг ўзида 3 минг нафардан зиёд ватандошимиз иштирок этди.

Қайд этилганидек, оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ва сайлов жараёнларини тўлақонли ёритишдаги роли сезиларли равишда кучайган. Бу борада Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканалларида ажратилган бепул эфир вақти ҳамда марказий газеталарда тенг нашр майдонларидан самарали фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, республикамиздаги барча ҳудудий телеканалларда партиянинг кўрсатувлари, махсус чиқишлари йўлга қўйилди, ҳудудий босма нашрларда партия Сайловолди дастурининг устувор йўналишларига оид мақолалар чоп этилмоқда.

Партиямиз веб-сайти тўлиқ янгиланди, интерактив ва онлайн хизматлар йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар партия сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида мингдан ортиқ тарғибот материаллари, постлар, инфографика ва роликлар жойлаштирилди. Уларнинг қамрови 3 миллионга яқинлашди.



Партиянинг нашри бўлган “O‘zbekiston ovozi” газетасининг махсус сонлари 60 мингга яқин нусхада чоп этилиб, сайлов участкалари ва маҳаллаларга етказилмоқда.

Сайловолди тарғиботи бўйича материаллар рейтинги юқори бўлган 30 га яқин интернет сайтлари, 10 дан ортиқ блогерларнинг каналларида мунтазам ёритиб бориляпти.

Партия ўз сайловолди дастурида 10 та йўналиш, 15 та стратегик қадамдан иборат 150 дан ортиқ ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан,

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш орқали “Ижтимоий кодекс”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришиш;

- ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

- Ногиронлар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини ишлаб чиқиб, қонун даражасида мустаҳкамлаш;

- уй-жойсиз, яшаш шароити оғир, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳамда оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойларни қуришни йўлга қўйиш;

- “Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

- тиббий суғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Давлат тиббий суғуртаси тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

- кексалар ва онкологик касалликлар каби оғир хасталикларга чалинган беморлар учун сифатли хизмат кўрсатишнинг юқори стандартларини таъминлашга қаратилган хоспис тизимини ривожлантириш ва “Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- дори ва тиббий буюмлар нархлари бўйича чекловларни белгилашга қаратилган “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

- дори воситаларининг рекламасини тақиқлашни таклиф этиш;

- “Саломатлик мактаби” ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси билан чиқиш;

- мактаблар ўқув дастурларида чет тиллари ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

- олий таълим учун контракт-тўлов миқдорини давлат томонидан қатъий белгилаш ва уларни уч йилдан кам бўлмаган муддатда қайтадан кўриб чиқишни тақиқлаш;

- стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш;

- маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш;

- вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш тарафдори эканига алоҳида урғу берилди.

Брифинг якунида Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳар бир сайлов халқимизга хизмат қилиш имконияти экани таъкидланди ва барча сайловчилар партиянинг дастурлари билан яқиндан танишишга ва сайловларда фаол иштирок этишга чақирилди.

Брифингдан сўнг ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига қўшимча маълумот ва жавоб олди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.**


## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

**“Қўғирчоқ театри санъати” кафедрасига кафедра мудири (1). “Маданият ва санъат менежменти” кафедрасига кафедра мудири (1). “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига профессор (1). “Драматик театр ва кино санъати” кафедрасига доцент (1). “Вокал” кафедрасига доцент (1). “Мусиқали театр санъати” кафедрасига катта ўқитувчи (1).**

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
1. **Ректор номига ариза.**
2. **Талабгорнинг шахсий варақаси.**
3. **Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.**
4. **Паспорт ёки ID нусхаси.**
5. **Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).**
6. **Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.**
7. **Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.**

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.**
**Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 “а” уй.**
**Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11.**



**MUASSIS:**

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

**TAHRIR HAY’ATI:**

Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV**

**MANZILIMIZ:** 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

**Телефонлар:** (71) 239-12-14
**Реклама бўлими:** (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

Г — 1037. 11168 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.